



Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

O'zingni angla!

Газетамизга  
2009 йил учун  
обуна  
бошланди.  
**Мушаррийларимиз  
сафида бўлинг!**  
— Нашр  
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan \* Chorshanba kunlari chiqadi \* 2008-yil 17-sentabr, №41 (596) \* E-mail: hurriyat@mail.ru \* http://www.hurriyat.uz

## МАРҲУМ... ИМЗО ЧЕКАДИ


Ол-а! Мана буни, яъни марҳумнинг 3 кундан сўнг “қабрдан чиқиб нотариал идорасига келиши, хужжатларга имзо чекиши”ни ҳақиқий сенсация деса бўлади!



⇒ 2-бет

## ШАРҲЛОВЧИНИНГ ВАЗИФАСИ НИМА?

Камина нега ёш ҳамкасбларимга эътирозли мулоҳазаларимни билдирмоқдаман. Ахир, бугун нафақат ёш журналистлар, айрим шу соҳада “суяги қотган”ларга ҳам юқоридаги фикрлар таалуқли эмасми, дерсиз.



⇒ 4-бет

## НАВОИЙ ТАРБИЯСИГА ОЛГАН ЎГИЛ

Алишер Навоийнинг “Хатлар мажмуаси” асарида бир мактуб аввалида келтирилган рубоий «Эй нафс ҳавосига грифтор ўлгон» деган мисра билан бошланади. Бу мактуб қайноқ оталик меҳри билан фарзанд билиб тарбиялаган ўғилга йўлланган.



⇒ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 сентябрь куни Оқсарой қароргоҳида Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёғи Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларни қўла киритган спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2008 йил 11-12 сентябрь кунлари расмий таширф билан ўшбу мамлакатга бўлди. Таширф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 11 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди. Мажлисида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари ҳақида ҳам сўз юритилди. Ўшбу соҳадаги қонунлар ва қонуности хужжатлари ижросини таъминлаш, “Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш долзарблиги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар ҳамда қўшма норматив-ҳуқуқий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган “Франция — Ўзбекистон” сенат гуруҳи раиси Моник Пайон хоним раҳбарлигидаги Франция Республикаси Сенати делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳамкорликка оид масалалар юзасидан музокара-лар ўтказди.

**М**аърифатпарвар ижодкорлардан бири Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур” деган эди. Дарҳақиқат, халқимиз учун фарзандлар тарбияси доимо муҳим вазифа бўлиб келганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ. Зотан, таълим ҳам бевосита тарбия билан боғлиқ жараён бўлиб, ҳар иккиси бирдек шакллантирилгандагина комил шахсларни вояга етказиш мумкин.

Бугунги ўқувчиларнинг келгусидаги илмий-амалий изланишлари учун пойдевор мактабларда қўйилишини ҳисобга олсак, юртимизда келажак авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб камол топиши учун айнан шу масканларга катта эътибор берилаётгани бежиз эмаслигига амин бўламиз. “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури” доирасида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманига қарашли 28-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ўқувчиларнинг пухта билим ва кенг тафаккурга эга бўлишлари учун барча шароитлар муҳайё этилди. Мактабнинг эски биноси “Нефтмонтаж” очик акциядорлик жамияти қўшма корхонаси ҳомийлигида бутунлай бузилиб, унинг ўрнига уч қаватли замонавий кўринишдаги мухташам илм даргоҳи қад кўтариб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда бу ердаги барча синфлар компьютерлаштирилган бўлиб, болалар иқтидорига қараб хорижий тиллар ёки аниқ фанларга йўналти-

## Эртанги кун эгалари

Пойтахтимиздаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг илғор тажрибаси хорижлик мутахассисларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда



рилган махсус синфларда таҳсил олишмоқда.

— Рейтинг натижаларига кўра тумандаги 34 та илм масканлари орасида 4-ўринни эгаллаб келмоқдамиз. Албатта, ўқувчиларнинг нақадар яхши билим ва тарбия олиши уларга таълим бераётган устозларнинг салоҳиятига боғлиқ. Бизда бу масала яхши йўлга қўйилган. 3 нафар олий тоифали, 25 нафар биринчи тоифали, 35 нафар иккинчи тоифали ўқувчилар болаларга пухта таҳсил бериб келишмоқда, — дейди мактаб директори Дилдора Арипова.

Кенг ва ёруғ, замонавий жиҳозлар билан таъминланган дарсхоналарда ўтирган ёшларни

кўриб, тўғриси, уларга ҳавасимиз келди. Икки-уч тилда бемалол ўз фикрини билдира оладиган, таъбир жоиз бўлса, дунёдаги хоҳлаган давлат болалари билан беллаша оладиган даражадаги билим соҳиблари бўлган ўқувчилар билан суҳбатлашар эканмиз, бу ердаги муҳит ва илмга чанқоқликнинг юқори даражада эканлигига амин бўлдим. Ҳатто бошланғич синф ўқувчиларининг ҳам фикрлари теран, дунёқарашлари кенглиги ҳар қандай кишини қувонтириши шубҳасиз.

— Катта бўлсам шифокор бўлам, — дейди 2-синф ўқувчиси Асилбек Раҳимжонов — Ҳозир дарсдан кейин рус ва инглиз тили тўғрақларига қатнашиб,

уларни яхши ўрганишга ҳаракат қилияман. Яқинда мактабимизга америкалик меҳмонлар келганида биз билан савол-жавоб қилиб, ижобий фикр билдиришди.

Ҳақиқатдан ҳам болаларни ўтқир зеҳнли, ўз келажagini олдидан ҳис қила оладиган даражада тарбиялаш катта меҳнат ва

эътибор талаб қилади. — Юқори савияда дарс ўтиш учун барча шароитлар яратилган. Биз шундай шинам, керакли кўргазмали кўроллар билан таъминланган хоналарда фақатгина аъло баҳоларда ўқийдиган, ҳар жиҳатдан комил ёшларни тарбиялашимиз керак. Бу бизнинг ҳам Ватан олдидаги, ҳам фарзандларимиз олдидаги бурчимиздир, — дейди гуруҳ ва ишонч билан бошланғич синф ўқитувчиси Гулчехра Шамсуддинова.

Таълим даргоҳидаги битирувчи синф ўқувчилари билан суҳбатлашганимизда эса улар ўз дил изҳорларини қуйидагича баён этишди.

**Уллубек Зуфаров:** — Ўқувчилигим чоғлари шу ерда ўтаётганидан жуда шодман. Сабаби бу маскан дунёни онгли равишда англаб етишим учун чинакам кўмак бера олди. Кези келганда қаттиққўл, гоҳида меҳридарё устозларим, қадрдон ўртоқларим билан бир неча ойлاردан сўнг хайрлашимизга тўғри келишини ўйлаш, юрагим орзиқиб кетади.

**Гулноза Пардаева:** — Мен яқиндан бошлаб бу мактабда таҳсил оляпман. Бу ерда дарслар жуда қизиқarli, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтилишини кўриб, тўғриси, илм олишга бўлган иштиёқим янада кучайди.

(Давоми 2-бетда.)

## ЭЪТИҚОД

### Ота-боболаримиз ёққан чирок

**Ш**у кунларда бутун мусулмон оламида бўлгани каби юртдошларимиз қалбларида мустаҳкам иймон фазилатларини юриш-туришларида, еб-ичишларида намойиш этиб, рўзаи Рамазонда фарз этилган ибодатларни бажариб, савоб йўлини тутишган. Муқаддас бу ойда поклик ва яхши хулқлилик, ҳаё ва инсоф, меҳр-оқибат ва ватанпарварлик каби инсоний хислатлар ҳар бир мўмин-мусулмон ҳаётида чакмоқдек чакнаб турибди.

Зотан, ислом дини кўнгли тоза, виждони пок, ҳақиқий инсонни тарбиялашда эътиқод ва ибодат йўлини танлайди. Рўза кунлари ўтказилаётган турли диний маросимларда одамлар бунга кенг йўл очган мустақиллик шаънига ҳам дуолар қилишмоқда. Чунки диний эркинликлардаги турли тазийб ва тўсиқлар олиб ташланди, ажодларимиз меросига бўлган ҳурмат жойига қўйилди. Ҳаёт синовларини ҳаммаша сабуру қаноат ва матонат билан ўтаётган халқимизга эътиқод ва ибодат амалларини бажариш, табаррук заминимизда буюк сиймолар қадамжолари эшиги катта қилиб очиб қўйилди.

Ҳадис илмининг билимдонлари Имом Бухорий ва Исо ат-Термизий ҳамда ислом оламида катта шўҳрат қозонган боболаримиз Маҳмуд аз-Замахшарий, Ал-Фарғоний,

Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандлар фахримиз, бизнинг авлодо аждодларимиздир.

Қадриятларимиз тикланаётган, эътиқод эркинлиги учун катта шароит ва имкониятлар яратилаётган шу кунларда ўтган давр сабоқларини яна бир бор хаёлдан ўтказиб, “қандай эди-ю, қандай бўлди” деган саволга чин юракдан жавоб топишга ҳар бир инсоннинг юрагида интилиш бор. Зеро, бугун юртимизда диёримиз мусулмонлари эмин-эркин масжидларда ибодат қилишаётган бўлишса, ёшларимиз диний мадрасалару институтларда таълим олишмоқда.


Пайгамбаримиз “Дин — покликдир” деганлар. Ислам — киши маънавий дунёсини покликка ундаш билан бирга, қабоҳат ва разолатлардан йироқ тутади.

2»

## ДУНЁ СИЁСАТИ

### Қора денгиздан Кариб денгизига

НАТО ҳарбий денгиз кучлари-га қарашли кемаларнинг Грузияга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш баҳонасида Қора денгизга кириши Россияни қарши чоралар кўришга мажбур этмоқда.



**Ж**орий йилнинг 10-14 ноябрь кунлари Кариб денгизи ҳавзасида Венесуэланинг Боливариан ҳарбий денгиз кучлари ва Россиянинг Тинч океани флотига қарашли кемалари иш-тирокда ўтказилган машқларни шу йўлдаги яна бир қадам деб таърифлаш мумкин. Биргаликдаги ўқув машқларида Россиянинг “Петр Великий” оғир атом ракета крейсери, “Адмирал Чабаненко” ва яна иккита кемаси, шунингдек, 1000 нафарга яқин матрослари қатнашди.

Ушбу ҳолатни Венесуэла ҳарбий денгиз қўмондонлиги вакили, контр

адмирал Сальваторе Каммарата Бастидас қуйидагича изоҳлади:

— Бундай биргаликдаги машқлар бизга жуда керак. Минтақадаги тинчликни сақлаб қолиш учун Россия бизга суяноқ бўлади. Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, Россиянинг Ту-160 бомбардимончи самолётлари ҳам Венесуэла аэродромларидан бирига етиб келган ва бир неча кун ўша ерда туради. Улар Кариб денгизи ҳавзаси ҳамда Лотин Америкаси қитъаси бўйлаб бир неча марта парвозга чиқади ва машқлар ўтказилади.

5»

## ТААССУФ

### Мулқдорга муносабат шуми?

**Б**у воқеа шу йил баҳорда рўй берди. Урганч шаҳрининг собиқ буюм бозорига ёндош “Исмоил ўғли Арслон” хусусий фирмаси тасарруфидаги савдо растасида жойлашган ўнлаб дўконлар тақа-тақ бекитиб қўйилди.

Ҳамма ҳайрон. Хусусий фирмага қарашли дўконларни ижарага олган тадбиркорлар ҳам, харидорлар ҳам ажабланишди. Фирма раҳбари Гўзал Исмоилова эса тушунолмади қолди. Сабаби шаҳар ҳокими савдо растасини бекитиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида бирон-бир қарор ёки хужжат қабул қилмаганди. Ҳоким хатто фирма-раҳбарларини бу ҳақда огоҳлантирмаганди ҳам.

Шундан сўнг, хусусий фирма директори Г.Исмоилова шаҳар ҳокими номига унинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида изоҳ сўраб нома битди. Кўп ўтмай шаҳар ҳокими Б.Оллаберганов имзоси билан жавоб олди. Унда таъкидланишича, вилоят ҳокими шу йил 26 март-

да Урганч шаҳар марказий дехқон бозори ва марказий буюм бозори ҳудудларида сотувчилар ҳамда харидорларга қулайликлар яратиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли реконструкция ишлари жараёнида зарур шароитларни, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида фармойиш қабул қилган экан.

Тўғри, вилоят ҳокимининг бу ҳақда фармойиши мавжуд. Аммо унда “Исмоил ўғли Арслон” хусусий фирмаси савдо расталарини бекитиб қўйиш ёхуд унинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида ҳеч қандай сўз юритилмаган эди. Яна бир гап. Биз ҳуқуқий демократик давлатда яшаймиз.

3»

## Эртанги кун эгалари

(Бошланғич 1-бетда.)

Бизга пухта билим ва тарбия бериб бораётган муаллимларимиздан миннатдорман.

**Мунистон Қосимова:** — Айни пайтда коллеж ва лицейларга кириш учун ҳам тайёргарлик қўриб бораёмиз. Бунда устозларимиз



сўхбатлар, ўқув – тренинглар ўтказиб тураёмиз. Тарбияси оғир ўқувчилар билан яқна тартибда шуғулланиш ҳам йўлга қўйилган. Ҳар кун эрталаб дарс бошланишидан аввал мактаб ҳовлисида барча ўқувчилар билан таълим-тарбия жараёнидаги қоидалар ҳақида сўхбатлар ўтказиб, танбех ёки рағбат-

фокорлар хонаси” эрталабки соат сақиздан 17:00 гача очиб бўлиб, бу ерда соғлиғидан шикоят бўлган болалар бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволанар экан.

— 19-оилавий поликлиника бизни доимий дори-дармонлар билан таъминлаб туради, — дейди шифокор Гулнора Ҳайдарова. — Бу ерда мактабдаги 1968 нафар ўқувчиларнинг ҳар бирига алоҳида касаллик варақалари очилган. Уларни ўқув йили бошида умумий кўриқдан ўтказамиз ва шунга кўра йил давомида назорат қилиб бораёмиз.

Мактабнинг стоматолог шифокори Гулнора Низомова: “5-болалар стоматология поликлиникаси ҳомийлигида тиш оғриғи билан мурожаат қилган болаларни бепул даволаб келмоқдамиз. Болалар учун шундай катта гамхўрлик кўрсатаётганларга раҳмат айтиб ўтишимиз керак”, деган фикрларни билдирди.

Таълим масканидаги бундай имкониятлар, албатта келажакимиз соҳиблари – фарзандларимизнинг ҳам маънан, ҳам ҳисмонан баркамол бўлиб вояга етишлари учун етарлича кўмак беради.

Зотан, жажжигина ўқувчи қиз Эъзозанинг дон-дона талаффуз қилиб айтганидек “Шу ўлканинг эртаси бизлар...”. Эртанги кун эгаларига бўлган эътибор эса ўз келажакимизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

**Ситора ТОЖИДИНОВА,**  
“Хуррият” муҳбири.

лантиришлар бериб борилади, — дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шоира Содикова.

Ушбу зиё масканида ўқувчиларнинг саломатлигини назорат қилиб бориш учун ҳам зарур шароитлар яратилган. Биринчи қаватдаги “Ши-

**ФУҚР**

✓ **Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарсас муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.**

**А.Дистервег**

### МУЖДА

Фарғона вилоятида «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида ибрат-бахш ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, касба йўналиши ва иш билан банд этиши, янги оилалар учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун ғамхўрлик кўрсатиш каби йўналишларда жадаллик суръати кўзга ташланади.


## Уй муборак, ёшлар!

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи маъмуриятининг жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда бу борада татбиқ этаётган хилма-хил тадбирлари фикримизнинг далилидир.

Жумладан, жорий йилда Фарғона нефть саноати касб-ҳунар коллежини битирган 200 нафарга

ўқийётган ишчи талабалар учун шартнома тўловининг 50 фоизи корхона ҳисобидан амалга оширилди.

Кўни кеча корхона ёшлари ҳаётида яна бир воядончи воқеа рўй берди. Заводда самарали меҳнат қилаётган ёш ишчиларнинг оилалари учун корхона маъмурия-



яқин ёшлар мазкур корхонада ўз касблари бўйича иш билан таъминландилар. Жамоанинг 400 нафардан зиёд ёш ишчилари эса, завод ҳисобидан бепул тиббий сўғурта қилиб берилди.

Корхона ёшларининг пухта билим ва иш тажрибасига эга бўлишлари учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бу ўринда, уларнинг маълум бир қисми мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлардаги энг йирик нефтни қайта ишлаш корхоналарида малака ошираётган ва шунингдек, шу йўналиш бўйича олийгоҳларда таҳсил олишгаётганини ҳам таъкидлаш жоиздир.

Шунингдек, заводда фаолият кўрсатиб, соҳа бўйича сиртдан

ти томонидан 84 хонадан иборат иккита шинам турар жой биноси тортиқ қилинди.

— Биз Ёшлар йили давлат дастурининг ижроси бўйича яна бир қанча олижаноб тадбирларни амалга ошираёмиз, — деб ҳикоя қилади завод директори Ҳамрожон Набиев. — Корхонамиз ишчи-ҳодимларининг оилаларида маънавий бой ва ҳисмонан соғлом фарзандларнинг камол топишлари, жамоамиз таркибини билимли ва малакали ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаб бориш, улар учун зарур бўлган барча қулайликларни яратиб бериш ана шу йўналишдаги бош омилиларимиздан ҳисобланади.

**Солиҳ ҚАҲҚОР,**  
“Хуррият” муҳбири.

### АЖАБО

## МАРҲУМ... ИМЗО ЧЕКАДИ

ва ўлимидан уч кун кейин машинасини нотариал идора орқали “сотати”

Ҳайрон бўлаётгандирсиз, ҳурматли муштарий? Мен ҳам “Қўлга тушмас қасоскорлар” фильмидаги қабристон воқеасини латифа деб юрардим. Эсингизда бўлса, фильм қаҳрамони ўликлар қабрдан чиқиб, оқ либос кийиб у ёққа-бу ёққа юрганини айтади-да, ҳаммага масҳара бўлади.

Аммо бу гал ўша тасаввурларим остин-устин бўлиб кетди. Негаки... Қўллас, гап бундай.

Булунғур тумани, Нормамат Эсонтурдиев маҳалласи, О.Шомуродов кўчаси, 10<sup>а</sup> уйда яшовчи Қобил Раупов 2006 йил 4 январь кун 76 ёшида вафот этади. Надоматлар бўлсинки, ота ҳаётдан кўз юмган, фарзандлар ўртасидаги келишмовчилик, мерос талашш авж олади. Аммо биз бу ҳақда фикр юритмоқчи, кимнидир оқлаб, кимнидир қораламоқчи эмасмиз. Бу иш марҳумнинг ўғил-қизлари виждонига ҳавола.

Фақат бир воқеани айтиб ўтиш бундай ҳолга нима деб баҳо бериш керак? Юқорида таъкидлаганимиздек, юртимизда табаррук рўзаи Рамазон кунлари диллари эътиқод ва ибодат чироғидан чароғон, бир-бирига яхшилик қилишга, етим-есирларнинг кўнглини кўтаришга, савоб ишлар қилишга ошиққан одамлар сафи кенгайиб бораверсин.

— Отам бу ҳақда оғиз очгани йўқ эди, — дейди Мухаббат. — Шу сабабли бу ишда нимадир борлигини сездим. Бош суқмаган эшигим қолмади. Бир амаллаб ҳужжатларни топдим. Дарҳақиқат, М.Раупова отасига тегишли “ВАЗ 21011” русумли автомобилнинг Жиззах вилояти Фаллаорол давлат нотариал идорасидан давлат нотариуси Р.У.Абдиев томонидан имзолаган олди-сотди шартномасини кўрганда ёқа ушлаб қолди. Негаки, бу шартнома падари бузуқворни вафот этган кундан уч кундан кейин расмийлаштирилган эди. Баҳоши ҳам зўр — нақд 20 минг сўмга нархланган.



Ол-а! Мана бун, яъни марҳумнинг 3 кундан сўнг “қабрдан чиқиб” нотариал идорасига келиши, ҳужжатларга имзо чекишни” ҳақиқий сенсация деса бўлади!

Уқаси билан бир қарорга кела олган М.Раупова милиция, суд идораларига мурожаат қилди. Унгача ўша машинани иккинчи шахсга ҳам сотишга улгуришди. Натижада Мухаббат фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат қилди. Фуқаролик ишини кўриб чиқиш жа-

раёни шунақа чигал эканки, бунга илк бор дуч келган М.Раупова калаванинг учини топа олмади қолди. Даъвогарлар судга келмаслик учун минг битта баҳона ахтаришди. Тагин “олди-сотдини” расмийлаштирган нотариус қўшни вилоятдан. Бунинг устига жавобгарлар ҳар гал ҳар хил гапиришарди. Лекин судья Шоиста Зоҳидова масалага ойдинлик киритишга, меросни адолатли тақсимлашга уришиб кўрди. Аммо биз ҳозир масаланинг бу томони ҳақида ҳам фикр юритмоқчи эмасмиз. Бу алоҳида мазму.

Маълум бўлишича, Маҳмуд Раупов нотариал идорага бориб, “Акам оғир ётибди, мен ўрнига қўл қўяман”, деб мурожаат қилган. Нотариус эса ё мижозга ортиқча ишониб юборган (бу ҳам нотариат қондасига тўғри келмайди) ёки (Маҳмуд Раупов ака-сидан анча ёш кўринишида ҳам фарқ бор) амалдаги расмийлаштиришда юзакичиликка йўл қўйган.

Ўйлашимизки, энди бу ишга адлия идоралари ҳуқуқий баҳо беришиди.

**Фармон ТОШЕВ**

## Бугуннинг нафаси

■ Пойтахтимизда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Топкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

■ Сирдарё вилояти Сардоба туманида бақдликка кўмаклашини маркази томонидан павбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда ўттизга яқин корхона ва ташкилот 150 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбирда иш тақлиф этаётган корхона ва ташкилотлар фаолияти ҳақида кўргазмалар намойиш қилинди. Талабдорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Шу кун 126 фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

■ Республика “Аёллар” кенгаши ҳамда Қашқадарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Оила саломатлиги» ҳафталиги ўтказилди. Тадбир доирасида ташкил этилган волейбол, теннис, стритбол, шахмат-шашка, сузич ва енгил атлетика баҳсларида 500 га яқин хотин-қиз иштирок этди.

■ Наманганда “Одам савдосини бартараф этишини ташкилий ҳуқуқий муаммолари” мавзусида минтақавий конференция бўлиб ўтди.

Анджон, Фарғона, Наманган вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, олим ва мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган анжуманда “Одам савдосига қарши курашни тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг шу йил 8 июлда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашни самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни ижросини таъминлаш борасидаги вазифалар муҳофиза қилинди.

■ “Ёшлар йили” Давлат дастури доирасида Навоий шаҳрида «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» кўриқ-танловининг вилоят босқичи якунланди. Нурота туманидаги Султон Бўронов раислик қилаётган «Нуротанинг 60 йиллиги» маҳалла фуқаролар йиғини таллов ғолиби деб топилди ва пойтахтга ўтаётган республика босқичига йўлланма олди. Қизилтепа туманидаги «Оқмачит», Хатирчи туманидаги «Уйнинг» маҳаллалари фахрий иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди.

■ Самарқанд вилоятида замонавий технологиялар асосида аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Булунғур туманидаги Кидлоп кўрғонда «Композ СИМ» электрон автомат-телефон станцияси ишга туширилди. 208 абонентга мўлажалланган мазкур станция фойдаланишга топширилгач, аҳоли ўз уйларида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларни амалга ошириш, интернет тармоғига уланishi имконига эга бўлди. Шунингдек, худуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, тиббий муассасалар ва бошқа ижтимоий объектлар ҳам қудай ва сифатли алоқа хизматида баҳраманд бўлмоқда.

■ Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидagi Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театри ижодий жамоаси Қозғистоннинг Алматы шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осие мамлакатлари II халқаро театр фестивалида муваффақиятли иштирок этди.

■ Жиззах шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “Дуст билан обод уйнинг” мавзусида болалар фестивали бўлиб ўтди. Ҳақ таълими вазирилик, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Республика Байналмилал Маданият маркази ва Республика Ўқувчилар саройи ҳамкорлигида ўтказилган ушбу аъёнаний фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Топкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан ўқувчилар ижодий марказларининг жамоалари қатнашди.

Нағма АЛИЕВА тайёрлади.

## Ота-боболаримиз ёққан чироқ

(Бошланғич 1-бетда.)

Давраларнинг бирида қизиқ бир сўхбат устидан чиқдим. Турда ўтирган бир қария ўтган асрнинг 50-йилларидаги бир воқеа ҳақида гапириб берди.

— Қишлоғимиз одамлари эрта-ю кеч пахтада ишларди. Бир кун колхоз парткоми уйимга бригадирни эргаштириб келди. У пайтларда мен полвон йигит бўлиб, югурдалик ишларининг ҳаммасини бир ўзим бажарардим. Қовоғи солиқ бригадир:

— Жумабой ука, кетмон билан чўки олиб ол, иморат бузасан, — деди.

Ёнида сўппайиб турган партком “тез, тез бўл” деб ўдағайлайди. Хуллас, парткомнинг “Вилис”ига ўтириб, қишлоғимиз четроғида жойлашган, олди боғ масжид олдида тўхтадик. Ҳар иккаласи ерга тушгач “Жумабой, кечгача шу масжидни бузиб, ерини текислаб қўясан” деса бўладими. Жон-поним чиқиб кетди. Жон ҳолатда:

— Мен бу ишни қилолмайман, қўлимдан келмайди, — дейман, улар эса бири қўйиб, бири бақиради.

Ахйир партком “ёки бузасан, ёки қамаласан” деди. Майли қамалсам қамалайин, лекин етти авлодимни булғаб кетмайин, деб қочиб қолдим. Эртаси кун ишйопондан бир коп чигит ўғирланибди, уни менга тўнкашди, уч йилга қамалиб кетдим. Масжидни эса катта бульдозер олиб келиб, текислаб ташлашди. Бу гапни ёшларга айтсанг, ишонилмайди, лекин бундай воқеалар ҳар қадамда рўй беради. Хайит намозига борганларнинг рўйхатини тузиб, муҳокама қилганлари ҳам рост-ку, ахир.

Кекса кишининг гапи гўё даврани жонлантириб юборди. Қўллаб қарияларнинг “дарди” очилди-қолди.

— Э, Жумабой бува, нимасини айтасиз, мен колхозда оддий сувчи бўлганман, сафимизда оддий одамлар ҳам бўлсин деб партияга қабул қилишган. Кейинчалик эса партком аъзоси бўлдим. Шу денг, онам тўсатдан оламдан ўтиб қолди, “сен партком аъзосисан, мумкин эмас”, деб жаноза ўқитилмади. Қишлоқда бош кўтаролмай қолдим, охйир лаш-лушимни кўтариб, бола-чақам билан қишлоғингизга 80-йилларда қўчиб келганман. Онамининг қарзи эса бўйнимда тош

бўлиб осилиб туради, эсласам дилим оғрийди, кўзимга беихтиёр ёш қўйилиб келаверади, — деди ўрта-роқда ўтирган бир одам. Ҳамқишлоқлар унга ҳайрон қараб туришарди. Ахир шунча йил бирга яшаб, унинг ичи тўла дард эканини ҳеч ким билмас экан-а...

Шу пайт маҳалла оқсоқоли Қосимжон ака даврага қўшилди. — Айтилган жойга вақтида келиш керак, оқсоқол, — деди Жумабой бува унга қараб. Атрофдагилар эса бундай танбехни фақат Жумабой бувагина бера олишини тушуниб, оқсоқолни тўрға олишди.

— Энди, бува, хабарингиз бор, маҳалламизда турли оқимларга қўшилиб йўлдан адашган ёшлар ҳам бор. Уларнинг бири афв этилиб, уйига қайтибди.

— Қайси, Турсуналининг ўғлими? — деди кимдир даврандан.

— Ҳа, ўша, шунга кириб, йигит билан бир соат сўхбатлашдим. Аввал ўзиникини маъқуллади, сўнг тушунди, шекилли ота-онасининг олдида эл қатори тўғри яшашга сўз берди.

Жумабой бува берган дақким чакки бўлдиёв дегандек дарров гални бурди.

— Яхши қилибсиз, оқсоқол. Бу ишингиз савоб бўлибди. Баъзи ёшларимиз тушуниб-тушунмай но-тўғри йўللарга кириб кетаётгани рост. Афсуски, уларда илм этишмайди. Ота-бобомиздан қолган бу дин бизни ҳамisha яхшиликка чорлаган, улар эса бу йўлни хатарга айлантдиришмоқда. Афсус... Ҳа, энди Аллоҳ ҳар бандасига ўзи инсоф берсин экан...

Даврандан қайтар эканман, кўп мулоҳаза қилдим. Аллоҳнинг ўзи ҳар бандасига инсоф бериб турса-ю, лекин нияти бузуқ кимсалар бу инсофни унутиб улар кўнглига хиёнат уруғини сочсалар, ўз мақсадлари йўлида улардан фойдалансалар ва кўзларини кўр қилиб, оқибатини эсларидан учирсалар, бундай ҳолга нима деб баҳо бериш керак?

Юқорида таъкидлаганимиздек, юртимизда табаррук рўзаи Рамазон кунлари диллари эътиқод ва ибодат чироғидан чароғон, бир-бирига яхшилик қилишга, етим-есирларнинг кўнглини кўтаришга, савоб ишлар қилишга ошиққан одамлар сафи кенгайиб бораверсин.

**Ҳамид НОРКУЛОВ,**  
“Хуррият” муҳбири.

КЎНГИЛДАН КЕЧГАН ЎЙЛАР

## Юрак ҳовучлаб яшаш — бизга бегона

**Биз қандай яшаймиз? Бугунги кунимизни кечаги хотира билан таққослаймиз. Вақти-вақти билан ҳисоб берамиз. Агар бу борада ҳолис фикр муҳим саналса, четдан қараб бериладиган баҳоларга эътибор қаратиш ўринлидир.**

Рихсивой Абдуллаев ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Тошкентда таълим олди, институтни битиргач, туғилган қишлоғига кетди. Қишлоғи эса кўшни мамлакатга қарайди. Яқинда Тошкент туманидаги қариндошиникига тўйга келганда учрашиб қолдик. Талабалик йилларини эсладик.

— Тошкентни айланиб чиқиб роса қувондим. Бу жойнинг сувини ичган чумчуқ Маккадан ҳам қайтиб келадими, деган ҳикмат беҳиз айтилмаган. Талабалик йилларим ўтган шаҳарга келсам, қадрдонларим билан мулоқот қилсам, бирам ярайман, руҳим янгиланади.

— Сиз яшаётган жойда ҳаёт бошқачами?

— Йўқ, ёмон яшамаяпмиз. Лекин инсон фақат қорин қайғуси билан яшайди-ку. Биласизми, ўзбекистонликлар муносабатидеги самимийликни жуда-жуда соғинаман. Сизлардаги одамлар юз-кўзларида акс этган хотиржамлик, хайрихоҳлик мен билган бошқа ўлкаларда йўқ. Энг ривожланган мамлакатларда одамлар нигоҳида бир-бирларига қандайдир жиддийлик билан қараш, ўй-хаёли ўз манфаати билан банд эканлиги шундоқ кўриниб туради. Халқингиз чеҳрасидаги истара бизни мафтун қилган.

Тошкентнинг тунги манзараси ҳар қандай одамни шайдо этади. Дўстларимиз бизни салқин гўшалардан бирида жойлашган «Шаршара» ошонасига таклиф қилишди. Жаннатмонанд жой экан бу ер. Шарқираб оқаятган сув ёқалаб пилла-поляр уз оҳиста тушар экансиз, гўзал манзарадан баҳри-дилингиз очилади. Атроф чароғон, соат кечки ўндан ошганда ҳам болаларини етаклаган оналар бемалол дастурхон атрофидан гурунглашиб ўтиришибди.

Бундай пайтда ер юзининг баъзи ерларида зулмат кўйида кўрқувдан кўчага чиқолмаётган одамлар бор-

лигини ўйлаб кўрайлик. Ундай ҳаётнинг юзини тескари қилсин, лекин ўшалар ҳақида ўйлаганда шундай осойишталикнинг қадрига кўпроқ етамиз.



Юртимиз тинчлиги — бебаҳо бойлик. Лекин ўз уйимиздаги осойишта ҳаёт фақат бизга боғлиқ эмас экан. Демак, дунёнинг бирор жойида ўт чикса, биздан узоқда-ку, деб бепарво бўлиш тўғри эмас. Тинчлик учун курашиш керак. Ўзбек табиятан кўнгличан, ҳеч қаерда қушнинг ҳам уяси бузилишини истамайди.

Узаро суҳбатларда, дилтортар гурунгларида айрим юртдошларимизга қуйидагиларни саволни бердик: «Тинч ва осойишта турмушимиз сабаблари нимада деб ўйлайсиз?» Турфа-турфа жавоблар олдик. Уларнинг баъзилари билан танишиб кўринг-а.

**Тоҳир ҚОБУЛОВ, Бўстонлик туманидаги Чинор қишлоғидан:**

— Шундай тинч-тотув яшаётганимиз учун, энг аввало, Президентимизга тазим қиламиз. Туну кун мамлакат ташвиши учун тиним билмай-

дилар. Шу маънода халқимизга бахт кулиб боққан.

**Ўқтам ОЛИМОВ, Жиззах шаҳридан, меҳнат фахрийси:**

— Яқинда биз кўнгли сўраш учун Когон шаҳрига бориб келдик. Ҳар хил шовшув ва миш-мишлар ортиққа эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳайронман, Ўзбекистоннинг бирор жойида сал бир гап бўлса, уни дўм-бири қилишдан манфаатдор кучлар борга ўхшайди. Когон халқимизнинг буюк бунёдкорлик кудрати рамзига

обидаларни томоша қилиш, аждодларимиз яратган мўъжизаларни ўз кўзлари билан кўриш учун дунёнинг тўрт томонидан сайёҳлар келишмоқда. Уларнинг аксарияти аввал бошқача тасаввурда бўлиб, кейинчалик қарашлари яхши томонга ўзгариб қайтишади. Бу жуда яхши аломат. Юртимиздан эзгу ниятли меҳмонлар қадами узилмасин.

Яқинда юртимизнинг тоғли худудларидан бирида шундай воқеа содир бўлди. Ҳарбийларга даранинг нарғидаги касалхонани душманлар эгаллаганлиги ҳақида хабар етиб келди. Бўлинма раҳбарлари тезкорлик билан маслаҳатга тўпланишди. Ҳар дақиқа ғанимат. Биринчи навбатда душманини қуролсизлантириш вазифаси белгиланди. Тоғ ён бағридаги арчалар ёнига, аниқроғи, тагига пистирмалар ўрнашди. Душман ҳам анойи эмас. «Ҳа» деганда «ма» деб қуролини чиқариб бермайди. Қутилмаганда белгиланган жойга ҳужум бошланди. Радиокарнайлар орқали бино тўла қамал қилинган тўғрисидаги хабар етказилди. Душмандан ортиқча ҳаракатларсиз таслим бўлиши талаб қилинди. Фақат шундагина уларга зарар етказмаслик ваъда қилинди. Ўн дақиқа сукунатдан сўнг қуршовга олинган душман кулари қўлларини кўтариб таслим бўлишди.

Минг шукурки, бу манзара ҳақиқий жанговар ҳаркат эмас, балки режага биноан ўтказилган машқ эди. Ҳеч қачон шаҳар, қишлоқларимиз ўт-олов ичида қолмасин деган ниятда шундай машқлар ўтказилади. Ҳарбийларимиз ўз жойларида сергак бўлиш учун, бирор фалокат рўй берганда гафлатда қолмаслик учун ўз куч ва имкониятларини синовдан ўтказишади.

Ўша манзаралар хаёлимизда жонланганда тинч ҳаётимиз кўзимизга янада яхши кўринади. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда, маҳалла ва хонадонда осойишталик барқарор бўлса, чор-атрофимиз гўзал ва файзли манзара касб этаверади.

Халқимизнинг бугунгидай тинч турмушига асло кўз тегмасин.

Ш. ЖАББОРОВ

## Барча ташкилот ва корхона раҳбарлари диққатига!



**Бўш пул маблағларингизни жойлаштиришнинг энг самарали йўли**

**Очиқ акциядорлик тижорат Турон банк барча юридик шахслар учун қуйидаги шартлар асосида депозит сертификатларини таклиф этади:**

АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ	ЖАМИ СУММАСИ (СУМДА)	ФОИЗ СТАВКАСИ % (ЙИЛЛИК)ДА
6 ОЙ	1 000 000 000	12%
13 ОЙ	7 000 000 000	13%
36 ОЙ	1 000 000 000	14%

Маълумот учун телефонлар: 244-25-81, 244-12-74, 700-55-55  
Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 4а уй



САВОЛ-ЖАВОБ

## Мулкдорга муносабат шуми?

(Бошланғич 1-бета.)

Шундай экан шаҳар ҳокими вилоят ҳокимининг юқорида номи тилга олинган фармойиши асосида аниқ қарор ёхуд фармойиш қабул қилиши керак эди. Бунинг устига ваколатли ташкилотлар «Исмоил ўғли Арслон» хусусий фирмаси дўконларининг шаҳар марказий деҳқон бозори худудида жойлашмаганлигини таъкидлашапти. Масалан, Урганч шаҳар бош архитектори Ж.Машарипов берган маълумотномада шундай дейилган: «Ўзбекистон кўчаси 1-сонли қайд қилинган дўконлар (яъни «Исмоил ўғли Арслон» хусусий фирмасига қарашли дўконлар) Урганч шаҳар марказий деҳқон бозори худудида жойлашмаган ва унинг таркибига кирмаган». Хусусий фирма директори Г.Исмоиловнинг шаҳар ҳокимининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида Адлия вазирлигига ёзган аризасига жавоб тарзида вилоят адлия бошқармаси бошлиғи О.Каримов шундай жавоб қайтарган: «Сизнинг фирмангиз фаолиятига нисбатан Урганч шаҳар ҳокимлиги томонидан тўққонлик қилиш ҳолатлари ва фирмангиз фаолиятини тўхтатиш ҳақида шаҳар ҳокимининг қарор ёки

фармойиши қабул қилинганлигини билдираман». Адлия бошқармаси бошлиғининг ана шу жавобидеги дастлабки фикрларга қўшимча тарзда шуни айтиш жоиз: фирма фаолиятини тўхтатиш ҳақида шаҳар ҳокимининг бирор бир қарор ёки фармойиши йўқлиги рост, ammo ҳеч қанақа қарор ёки фармойишсиз ҳам фирмага қарашли дўконлар фаолиятини тўхтатиб қўйилгани-чи?

Шундай қилиб, харидорлар гавжум бўлган фирма ҳазинаси оғир сайин ўн миллион сўмдан зиёд даромад келтириб турган савдо растаси хувиллаб қолди. Раства қираверилган дарвоза кўприги олиб кетилди. Бу ерда қаердандир тупроқ ва ахлат уюмлари пайдо бўлди. Бу ҳолга эса шаҳар раҳбарлари панжа орасидан қараб келишарди.

Вилоят ва шаҳар раҳбарларининг қурилиш, ободонлаштириш ишларига бефарқ қарашини, бу борада масъулиятни чуқур ҳис қилмаслиги халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг шу йил 15 февраль куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз томонидан жиддий танқид қилиниб, жумладан, шундай дейилган: «Афсусланарли ҳолат шундаки, вилоятнинг

қўйфасини кўрсатадиган, таъбир жоиз бўлса, унинг юзи бўлган мана шу майдонини обод қилиш, бу ерда одамлар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш масаласи узоқ йиллар давомида вилоят иш юритиши тугатиш ҳақидаги ажримдан норози бўлиб хусусий шикоят келтиришди. Шу йил 22 август куни вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати очик ҳайъат мажлисида бу иш кўриб чиқилди. Унда қабул қилинган ажримда жумладан шундай дейилди: «Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2008 йил 29 июлдаги даъвогарлар «Исмоил ўғли Арслон» хусусий фирмаси раҳбари Исмоилова Гўзал, газ-сув соатиш ва тижорат дўкони эгаси Аҳмедова Асма ва Урганч шаҳар марказий универсал бозори худудида жойлашган хусусий дўкон эгаси Қутлимуратов Рустамнинг жавоблари Урганч шаҳар ҳокимлигига нисбатан Урганч шаҳар ҳокимлигининг 2008 йил 12 июндаги «Урганч шаҳар Шерозий кўчасида қурилган ер ости ўтиш жойидан «Болалар дунёси» дўконига қадар «Ўзбекистон савдо-сотик пиёдалар йўли»даги савдо расталарини йиқилиши кўзда тутилган бинолар деб эълон қилиш ва кўчириш

нинг тегишли моддасига асосан иш фуқаролик судига таллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юритиши ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида ажрим чиқарди. Тадбиркорлар биринчи босқич судининг иш юритиши тугатиш ҳақидаги ажримдан норози бўлиб хусусий шикоят келтиришди. Шу йил 22 август куни вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати очик ҳайъат мажлисида бу иш кўриб чиқилди. Унда қабул қилинган ажримда жумладан шундай дейилди: «Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2008 йил 29 июлдаги даъвогарлар «Исмоил ўғли Арслон» хусусий фирмаси раҳбари Исмоилова Гўзал, газ-сув соатиш ва тижорат дўкони эгаси Аҳмедова Асма ва Урганч шаҳар марказий универсал бозори худудида жойлашган хусусий дўкон эгаси Қутлимуратов Рустамнинг жавоблари Урганч шаҳар ҳокимлигига нисбатан Урганч шаҳар ҳокимлигининг 2008 йил 12 июндаги «Урганч шаҳар Шерозий кўчасида қурилган ер ости ўтиш жойидан «Болалар дунёси» дўконига қадар «Ўзбекистон савдо-сотик пиёдалар йўли»даги савдо расталарини йиқилиши кўзда тутилган бинолар деб эълон қилиш ва кўчириш

тўғрисида»ги 354-сонли қарорини бекор қилиш, жавобгарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда жавобгарга ушбу хусусий фирманинг иш фаолиятига тўққонлик қилмаслик мажбуриятини юклаш ҳақидаги фуқаролик иш юзасидан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, ишнинг биринчи босқич судида кўриш учун юборилсин, келтирилган шикоят қаноатлантирилсин».

Биз тадбиркорлар шикоят буйича ушбу масалаларни ўрганиш пайтида шаҳар ҳокими билан мулоқотда бўлиш учун у кишининг олдида бир неча марта бордик. Ҳар гал «Ҳоким зарур ишлар билан чиқиб кетган»лиги айтилди. Ҳокимлик ҳуқуқшуноси Иброҳим Жуманиёвга учрадик. У «иш яна судда кўрилишини» маълум қилди.

Нима бўлганда ҳам юртимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилаётган, Президентимиз томонидан уларга барча гамхўрликлар қилинаётганлиги ҳақиқат. Бу дунёси» дўконига қадар «Ўзбекистон савдо-сотик пиёдалар йўли»даги савдо расталарини йиқилиши кўзда тутилган бинолар деб эълон қилиш ва кўчириш

## Алимент ундириш тартиби хусусида

Икки фарзандим учун турмуш ўртоғимдан алимент ундирмоқчиман. Унинг тартиблари хусусида маълумот берсангиз.

Гулрух ШОДИЕВА, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани.

— Мамлакатимиз қонунчилигида бола ҳуқуқи тўлиқ қамалган. Улардан бири алимент ундиришдир. Оила кодексининг 99-моддасида вояга етмаган болаларга алимент бериш ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадининг бир қисми бўлиши ва ҳаққонлик билан ундирлади. Агар вояга етмаган болаларга алимент бериш ота-она ўртасида келишув бўлмаса, она фуқаролик ишлари бўйича судга алимент ундириш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат этиши лозим бўлади. Даъво аризасига никоҳ ва боланинг туғилган тўғрисидаги гувоҳнома-ларнинг нусхаси, яшаш жойидан маълумотнома, агар қарздор ишласа, иш жойидан маълумотнома илова қилинади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ота вояга етган меҳ-

натга лаёқатсиз, шунингдек, факуллода ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва ҳоказо) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатлари ҳисобига алимент тўлаши лозим. Ушбу мажбуриятни ихтиёрий бажармаган отадан бундай таъминот суд қарорига кўра, отанинг оиласи ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Болалар муассасаларига жойлаштирилган тарбияланувчилар учун алимент отадан ушбу муассаса фойдасига ундирилади. Алимент ундириш ҳақидаги аризалар суд томонидан тарафларни қақиртирмасдан, уч кунлик муддат ичида ҳал қилиниши лозим.

**Нодир ОРТИҚОВ,** Тошкент шаҳар, Миробод тумани 1-нотариал идораси катта давлат нотариуси.

# ТҮРТИНЧИ ХОКИМИЯТ

АЙТАНЧА


## Шарҳловчининг вазифаси нима?

Ёши журналистлар ижоди ва дунёқараши тўғрисида қай-гурчи биз — катта ёшдаги ижод аҳлининг вазифаси бўлиши керак. Акс ҳолда устозлик ишончини оқламаган бўламиз. Агар бу масалада бефарқ ва ҳафсаласиз бўлсак, аввало, миллий журналистикamız келажағига зарар etkazган, қолаверса, касбимизга хиёнат қилган бўламиз. Узингни бил, ўзини қўй, қабилида муносабат виждонимизга ҳам тўғри келмайди.

Шу йил ёзда матбуот ходимлари иштирокида ўтган бир неча йиғилишда қатнашдим. Гап бугунги журналистика ҳақида борар экан, бир киши сўзга чиқиб: "Мен журналистика деганда биринчи навбатда ёзиш-чиқиришни эмас, компьютер ва алоқа воситаларини тушунаман" деди. Бошқа биттаси эса дабдурдудан: "Журналист учун энг муҳими ёзиш эмас, чет тилларини, хусусан, инглиз тилини билиш" деди. Яна бир нотик: "ёзишдан кўра, хорижга бориб ишлаш ва дунёни кўриш зарурлиги"ни қайта-қайта таъкидлаб ўтди.

Табиий савол туғилади: юқорида кўтарилган масалалар ўринлими? Албатта, компьютерда ишлашни билиш ва чет тилларини ўрганиш бугунги журналист учун жуда ҳам зарур. Интернетдан тўғри фойдалана билиш ҳам муҳим. Дунё кезиб жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳам яхши. Бироқ, минг узр, журналист деганлари, аввало, ёзишни қўйлаштириши керак эмасми? Юртимизда бўлаётган ўзгаришларни ким англаб, идрок этиб, мулоҳаза юритиб, турли жанрларда ўқишни, қизиқарли ва асосли қилиб ёза олади? Жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга холислик ва тезкорлик билан ким муносабат билдира олади? Ёки расмий ахборот агентликларининг маълумотлари билан чекланиб қўя қоламизми? Унда ҳар биримизнинг ўрнимиз нима билан ўлчанади? Компьютерда ишлашни ва чет тилни билмас, дунё кезмас ва жаҳон тажрибасини ўрганмас, аммо ёниб ва бошқаларнинг ҳам қалбига етадиган қилиб ёза олмасак, бу ёни қандоқ бўлди? Унда журналистман деб гурурланишдан мақсад не?

Ҳозир телевидение, радио, ахборот агентликлари ва газеталарда чет тилларини, хусусан, инглиз тилини биладиган ёш журналистлар кўп. Улар компьютер ва Интернет билан ишлашни ҳам яхши ўлаштириб олишган. Бироқ битта-яримтасигина матбуот нашрларида ва телеэкранда онда-сонда кўриниб қолади. Қолганлари эса техник ишлар билан банд. Мен юзга яқин ёш журналистни узок вақт "кузатдим". Уларнинг баъзилари ҳатто бир йилда бир-икки марта ҳам матбуотда кўринмайдилар. Кузатганларим орасида ўзим устозлик қилганларим ҳам бор. Урашганимизда ёзишдан ва ижодий маҳоратдан гап очсам инглиз тилини билиш интернетдан нарига ўтишмайди. Бир нечтаси хорижий давлатларга бориб, ишлаб ҳам келишди. Бироқ чет эл матбуотида Ўзбекистон ҳақида берилган уч-тўртта хабарни таржима қилиб бериш билан қаноатланиб қўя қолишди холос. Бунақада улар қандай қилиб хо-



никли халқаро шарҳловчи мен билан учрашиб, суҳбатлашимиз истагини билдирди. "Яхши, хоҳлаган мавзуда мунозара қилишимиз мумкин, лекин битта саволимга жавоб беринг, — дедим унга ва сўрадим: — Сизнингча, сиёсий ҳақда иқтисодий жиҳатдан, умуман, Ўзбекистон қандай давлат?" "Ўзбекистонни, худди Боснияга ўхшаган бировларнинг таъсирига берилган давлат, — деди у дабдурдудан. — Саноят тараққий этмаган, асосан қишлоқ хўжалиғига таянади..." "Бўлди, бўлди, — дедим мен шартта, — сиз мунозара қилишга тайёр эмассиз, чунки Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмайсиз, дедим. Мен албатта юртимиз мустақил давлат эканлиги, унинг истиқлолга эришгани ва мамлакатимизда ҳатто самолёт ва автомобиль ишлаб чиқарилади, катта миқдорда газ ва олтин казиб олинади, деганимда у мутлақо ишонмади.

Ҳозир ҳам айрим хорижий мамлакатларда Ўзбекистон ҳақида мисрлик ҳамкасбимиз каби фикрлайдиган ёки ёлгон ахборотларга ишонадиганлар йўқ эмас. Шундай экан, хорижий тилларни биладиган ёш журналистларнинг вазифаси фақат таржимонлик билангина шугулланиб қолмасдан, юртимиз ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатни таҳлилий шарҳларда ифодалаш ҳамда ёлгон ахборотларга зарба беришдан иборат бўлмоғи зарур. Бундай чиқишлар ўзимизда ҳам, хориж матбуотида ҳам бўлиши керак. Аммо матбуотда чет эл газеталаридан қилинган таржималарни ёки элчионаларимиз ўтказган тад-

бирлар ҳақидаги кичик хабарларни ўқиямиз, холос. Халқаро масалаларда, мамлакатимиз ташқи сиёсати тўғрисида шарҳ ёзиш ёки жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга Ўзбекистоннинг муносабатини билдириш афсуски, чет тилларини биладиган айрим ёш ҳамкасбларимизнинг хаёлларига ҳам келмапти.

Айтилайки, Президентимиз халқаро миқёсдаги турли учрашув ва анжуманларда қатнашиб, долзарб масалалар юзасидан ўз тақлифлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Биз хорижликларнинг муносабатини кутиб ўтирмасдан (албатта, бу ҳам жуда зарур) ўзимиз ҳам ҳозиржавоблик билан шарҳлар ёзмоғимиз керак эмасми? Бунда баён қилинган тақлиф-ташаббуслар ва фикр-

мулоҳазаларнинг моҳиятига ургў берилади ҳамда халқаро миқёсдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилади. Ахир, бу юртимизнинг обрўси-ку! Ана шундай пайтда чет тилларини яхши биладиган ёш шарҳловчиларимизга катта маъсулият юклатилади. Нафақат ўзимизда, балки хориж матбуотида ҳамда Интернет сайтларида ҳозиржавоблик билан чиқиш қилишлари мумкин. Қани, бироз кутайин-чи, Ўзбекистоннинг тақлифларини маъқуллаб ёзишса, таржима қилиб берарман, агар маъқуллашмасан индамай қўя қоламан деб ўйлаш журналист учун мутлақо ярашмайди.

Мен бу фикрни беҳиз айтаётганим йўқ. Биргина мисол. Ўзбекистон раҳбари бу йил кўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасидаги жиддий тақлифларини бир эмас, бир неча марта баён қилди. Энг муҳими, бу тақлифлар катта-катта минбарлардан айтилди. Демак, нафақат дипломатлар, экспертлар, сиёсатшунослар, балки шарҳловчилар учун ҳам фикрлаш, мулоҳаза юритиш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш учун асос бор. Айниқса, чет тилларини яхши биладиган шарҳловчилар зиммасига Ўзбекистон ташаббусининг аҳамиятини дунё халқларига ҳар жиҳатдан асослаб тушутиришдек маъсулият юкланади. Хабарингиз бор, яқинда бир мамлакат Афғонистондаги ҳарбийлари сонини яна тўрт минг нафарга қўлайтириш нияти борлигини баён қилди. Ахир, Афғонистон қишлоқларини бомбардирмон қилиб, тинч аҳоли-

га қирон келтириш билан мақсадга эришиб бўлмайдилар. Ана шундай пайтда Ўзбекистоннинг тақлифлари ва ташаббуслари инсонпарварлик нуқтаи назаридан ҳам, халқаро ҳаёт мезонлари жиҳатидан ҳам асосли эканлиғига жаҳон халқларининг диққат-эътиборини тортиш ҳар бир сиёсий шарҳловчининг бурчи бўлиши лозим назаримда.

Дипломли бўлиш, чет тилини билиш, компьютер ва Интернет билан ишлаш, хорижга чиқиш, дунё воқеаларига қизиқиш, бирон бир матбуотда ишлаш, элчионалар билан ҳамкорлик қилиш — булар ҳали катта мақсад йўлидаги ишнинг бошланishi, холос. Бугунги дунё сиёсатини тушуниш, идрок этиш, фикрлаш эса ана шу ишнинг ривожига куч берадиган омиллардир. Хулосаларни оммавий ахборот воситаларида баён қилиш эса ўзликни намоеён этишдир. Бизнинг баъзи ёш журналистларимиз ана шу масалаларда оқсаб қолишяпти. Айримлари бир неча йиллаб чет элларда ишлаб, тажриба орттириб келишган бўлса-да оммавий ахборот воситаларида деярли кўринишмайди. Фалончи фалон давлатда ишлаб келибди, деган гапни эшитасиз. Назаримда, уларда кунт ва қизиқиш билан ёзишга тажриба йўқ. Баъзан қайсидир грант соҳибига айланиб, хорижга бориб ишлаш, ўқиб ва тажриба орттириб келган уларимиз ва сингилларимиз эса бошқа соҳага ўтиб кетяпти.

Камина нега ёш ҳамкасбларимга эътирозли мулоҳазаларимни билдирмокдаман. Ахир, бугун нафақат ёш журналистлар, айрим шў соҳада "суяғи қотган"ларга ҳам юқоридagi фикрлар таалуқли эмасми, дерсиз.

Ҳа, сиз ҳақсиз. Аммо матбуотимиз келажағи ёш ҳамкасбларимиз қўлида. Биз мустамакка йилларида халқаро мавзуда фикрлаш ва ёзиш имкониятидан маҳрум эдик. Бундай ҳуқуқ ва имконият фақат собиқ марказдаги журналистларга берилган эди, холос. Қафасдаги тўтиқушдек ТАСС материалларини такрорлашдан нарига ўтмасдик.

Кейинги уч-тўрт йилда ташқаридан гаразли кучлар Ўзбекистонга қарши кўп марта хуружлар, иғволар, тўхматлар уюштириб, бизнинг тутган йўлимиз, ички ва ташқи сиёсатимиз ҳақида ёлгон ахборотлар тарқатишди ва бундай ишлар айрим ҳолларда ҳамон давом этмокда. Афсуски, шундай пайтда замонавий воситаларни яхши ўлаштирган ҳамкасбларимизнинг тезкор чиқишлари ҳамда тўхматларга зарбаларини кўрмаймиз. Ватанин кимдир қурол ёки қонун билан ҳимоя қилса, биз журналистлар матбуот кучи билан ҳимоя қилишимиз жоиз. Бу борада кузатувчи ёки томошабин бўлиб туришга ҳаққимиз йўқ.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**  
"Туркистон-пресс"  
нодавлат ахборот  
агентлиги бош директори  
ўринбосари.


ХУДУДИЙ НАШРЛАРДА

## Ота — кўча одами эмас

Ота уйга кириб келганида боланинг ҳолатини кузатганимиз? Одатда 2-3 ёшдаги болалар бундан жуда қувонади. Севинганидан атрофини гир айланади. Одатдагидан кўпроқ шўхликлар қилади. Нега? Фарзанд отанин бир неча соат кўрмай соғингани учунми? Йўқ.

Агар шу ҳолатни она мисолида олиб кўрсангиз вазиет бўлмайди. Тўғри, бола аввалгига нисбатан онасини кўмсаб, хархаша қилиши мумкин, аммо унинг кириб келишини хотиржам кутиб олади. Негаки, она бола учун одатий ҳамроҳ, зарурий эҳтиёж. Ота эса ишончлилик, ҳавфсизлик қафолати, оила ҳимоячиси.

Агар шу ҳолатни она мисолида олиб кўрсангиз вазиет бўлмайди. Тўғри, бола аввалгига нисбатан онасини кўмсаб, хархаша қилиши мумкин, аммо унинг кириб келишини хотиржам кутиб олади. Негаки, она бола учун одатий ҳамроҳ, зарурий эҳтиёж. Ота эса ишончлилик, ҳавфсизлик қафолати, оила ҳимоячиси.



овқатланишига ёрдамлашув, ҳикоя, кўшиқ айтиш, ўйнаш ва атроф-муҳитдаги турли ҳодисалар ҳақида мулоқотга киришишлари талаб этилади. Чунки болалар отанин хатти-ҳаракатини синчковлик билан кузатишади. Айниқса, ўғил болалар отасини нима қилса, шуни такрорлашга ҳаракат қилишади.

Афсуски, кўпгина оилаларда боласини тартибга чақиролмаган она «хали отанг келсин, барча ёмонликларини айтиб, таъзирингни бердиранман» қабилида дўк-пўлпаса қилади. Ана шунинг ўзи ҳам ота-боланин ўртасига кўринмас девор пайдо бўлишига олиб келади. Натижада фарзанд ҳурмат туғайли эмас, жисмонан ожизлиги боис итоят этади. Вақт келиб, билги кучга тўлганда эса, ота-онага гап қайтаришдан, ҳатто кўл кўтаришдан ҳам тоймайди...

Афсуски, кўпгина оилаларда боласини тартибга чақиролмаган она «хали отанг келсин, барча ёмонликларини айтиб, таъзирингни бердиранман» қабилида дўк-пўлпаса қилади. Ана шунинг ўзи ҳам ота-боланин ўртасига кўринмас девор пайдо бўлишига олиб келади. Натижада фарзанд ҳурмат туғайли эмас, жисмонан ожизлиги боис итоят этади. Вақт келиб, билги кучга тўлганда эса, ота-онага гап қайтаришдан, ҳатто кўл кўтаришдан ҳам тоймайди...

**Акбар РУСТАМОВ**  
«Бухоронома»

## Бозор тартибга келмади, келмади-да

Тижорату атторлик буюмларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосидан фарқлаш гўё эт билан тирноқни айириш каби экан-да. Жарқўргон туман "Дехқон бозори"га кирганимда хаёлимдан шу ўй кечади. Кунботар тарафдаги дарвоза яқинида турли буюмлар билан савдо қиладиган кўчма расталар шунчалик айқаш-уйқаш жойлашганки, ичкарига якка кифт бўлиб ўта олмасиз.

...Ўқувчини мактабга тайёрлашда бола диққатини марказлаштиришининг тарбияда ҳам, таълимда ҳам аҳамияти катта. Чунки диққат барча руҳий жараёнларни бирлаштиради. У туғайли бола ўқитувчининг тинглайди, идрок этади. Лекин кичик мактаб ёшидаги болаларнинг диққатини бир нарсага жалб қилиш мушкул. Бунинг учун уларга қизиқарли, ўзларига ёққан нарсалар ҳақида гапирилганда ёки гапнинг моҳияти уларга тушунарли бўлсагина бола эътибор билан тинглайди.

## Бола ўйнаб ўсади

Халқимизда "Бола ўйнаб ўсади" деган гап бор. Бу гап беҳизга айтилмаган. Уйин боланинг тафаккур ва тасавури, тана аъзоларини ривожланишини таъминлайди. Озгаки нутқини ўстиришда муҳим роль ўйнайди. Уйин орқали болалар шахсий сифатлар, турли фазилатлар намоеён бўлади. Шунинг учун миллий ўйинларимизнинг болалар тарбиясида муҳим ўрин тутишини ҳар бир ўқитувчи яхши билмоғи лозим...



Қолаверса, болаларни ёзувга ўргатиш ҳам мураккаб жараёнлардан биридир. Бола толиқмай тўғри ёзиши учун, аввало, партада тўғри ўтириши, рўқани тўғри ушлаши, дафтар билан кўз оралиғидаги масофани тўғри сақлаши лозим. Унга дафтар қия қўйилишини ўргатиш ва энг муҳими боланин ўзига, кўчига бўлган ишончни ошириш ҳамда мустақамлаш муҳим аҳамиятга эга.

**Ф. ЙҮЛДҮШЕВА**  
"Марказий Фарғона"

## Эркинликни эъзозлаган эл қонунлар моҳиятини яхши англайди

Истиқлолга эришган қонунларимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаганимиз. Бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами жуда салмоқли экани ҳам бор гап.

Ҳаётимизнинг ҳуқуқий таъяни — Конституцияимиз ва барча қонунларимиз мукамаллиги, инсонпарварлиги билан халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини қозонган. Лекин Конституциядан бошлаб, барча қонунларни чуқур ўрганмоклик, маъзун-моҳиятини, аҳамияти-нагли равишда тушуниб етиш давр талаби. Шу боис фуқароларнинг бу соҳадаги билимларини ошириш, ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириб боришга ҳар бир давлат катта эътибор қаратади. Бу борадаги ишларни амалга ошириш учун эса оммавий ахборот воситалари анча кўл келади...

ахборот воситалари ўртасида амалий ҳамкорлик қай даражада?

...Бугунги матбуот, телевидение варадио фақат ахборот тарқатиш манбаи эмас, балки кишиларнинг онг-тафаккурини юксалтириб, билимини оширишда тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бориши керак. Мавзун таллаб даражасида ёритиш учун эса, аввало, журналистнинг ўзи қонунчиликни яхши билимоғи лозим. Демак, журналист ва ҳуқуқшуносларнинг доимий ҳамкорлиги, ўзаро фикр алманишуви жуда ҳам муҳимдир.

**Раъшанбек МАМАДИЕВ**  
"Наманган ҳақиқати".

## Наманган ҳақиқати

Ўзларини қизиқтирган саволадарга матбуот саҳифаларидан, телекўрсатув ва радио эшиттиришлардан жавоб топмокдами? Ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ва оммавий

**Азим РҮЗИЕВ** тайёрлади.  
Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг моддий ва ахборот кўмағида тайёрлади.  
Дойиха: «Матбуот — давр кўзғиси».

НАШР

АВВАЛИ

## "Фарёд қилгон овозни эшитибдур"

## "Муштум"нинг янги сони

Мамлакатимиздаги қулғу ва ҳажв журналининг навбатдаги 3-сон босмадан чиқди. Ундан юртимиз иجتимоий ҳаётидаги бир қатор муаммоларга бағишланган мақолалар билан бирга, қизиқарли ҳажвийлар, ичақузди хангомалар, лофлар ва латифалар ўрин олган. Журналининг ўтган сонларида чоп этилган танқидий мақолаларга мутасадди идоралар томонидан юборилган бир қатор жавобларнинг берилиши еритилаётган материалларга бефарқ муносабатда бўлнмаётганлигини, нашрнинг жанжитимизда ўз ўрнига эга эканлигини далолат беради. Хусусан, "Бизга жавоб берадилар" рўқинда турли вилоятлардан келган жавоб хатларининг эълон қилиниши фикримизга исбот бўла олади.

Шунингдек, журналда маънавий йўналишда ҳам қатор мақолалар бериб борилмакда. Биология фанлари доктори, академик Жўра Музаев билан "Нарвон жойида қолсин!" номида маърифий суҳбат ўқувчининг маънавий-маърифий соҳадаги билимларининг ошишига хизмат қилади. Янги сонда "Қулғунона" сарлавҳаси остида кўш саҳифа берилиши эса ўқувчилар эътиборини торлаш шўхасиз. Ундаги турли хангомалар, ҳажвий шеърлар, расом хандаларли саҳифаларнинг янада қизиқарлилигини оширган. Муротбой Низановнинг "Эркакнинг бир кунин" ҳажвийи, истеъдодли кўзички Валижон Шамшиев ижодидан берилган хангомалар эса одамларда қулғу уйғотди. Журнал қулғули қариқатларга ҳам бой бўлиб, улар айрим ҳамюртларимизни ўйлантириши, танқиддан тўғри хулоса чиқаришга ундаши табиий. Журналини ваған рақлар экансиз, муаллифлар кўпаяётганлиги, турмушимиздаги айрим иллатларни фош қилувчи қариқатларга ўзининг ранг-барангли билан ажралиб туршишга амин бўласиз. Хуллас, журналнинг янги сони барчага қулғу улашишига шўбҳа йўқ.

Москва шаҳрида ушбу йил бўладургон йаъни ҳар вилоятни гайри мукаррар нимарасаларини нишонларин олиб бориб жаъв қиладургон музага генерал гуьбираторни руҳсалтари билан Тошқанд шаҳридин тўрт нафар усталидин йилбориди. Чунончи йўрмадўз ва филлакш ва шўхбўф ва бўзчидин ушбулар сафар ойини йигирма еттинчи кунин Тошқанд шаҳридин Москвага азим бўлуб кеттилар. "Туркистон вилоятининг газити", 1872 йил 28 април

Урус газитларида йозибдурларки йақин фурсатда бир бой киши тапонча билан ўзини ўзи отиб ўлдурбдур. Ва ул тапончани су билан ўлқогон экан йўзини пора-пора қилиб нафас орасида ҳалок бўлуб қолибдур. "Туркистон вилоятининг газити", 1872 йил 31 мой

От ўғурлагон учун Сибир йубормоқга фармойиш қилингон Утаббой Мотогон ўғли Петровский деган шаҳарнинг бандихонасиндин фибролни йигирманчи кунин қочиб кетибдур. Ва они қайси илож билан қочганин хусусида тафтиш бўлуб турубдур. "Туркистон вилоятининг газити", 1872 йил 31 мой

Шитоб қиладур. Шул сабабдин гох-гохи тайин ўлмагон одамин ҳам гўр қилдурлар. Хосили калом мазкур олти йашар болани ўлқон кунин гўрстинога элтйиб дафн қилгон эканлар. Ушал кунин кеч вақтида гўрнинг олдидин ўтуб кетиб тургон бир нўғой фарёд қилгон овозни эшитибдур. Ул нўғой тафохуз (текишириб) айлаб қараса ул овоз ўшал кунин ўлқон болани гўрини ичидин келур экан. Бад аз он ул нўғой яна ики одамин ўшал ерга олиб бориб аларга ҳам ул овозни эшиттуруб, андин сўнгра ул шаҳарни уламосига югуруб бориб, хабар берибдур. Ул уламо тонлага (эртасига) очиб кўрунлар деб рўхсат берган экан. Тонласи бориб очиб кўрсалар ул бола ўз йўзини ўзи йўлуб қўларини ченаб ташлагон экан. Ушбу навъ ишлар кўб бўлмаса ҳам ба ҳар тақдир баъзи вақт вуқуьга (воқеа) келиб қоладур. Ушбу дафъа ул болани овозини билтаййин эшитган эканлар. Шул жиҳатдин очиб кўрубдурлар ва гарна нўғойлар гўрини ичидин ушбу тариха овоз эшитсалар ўлқон киши азоб тортиб турубдур деб гўрни олдидин ушбу ерга қочиб йўрадур. "Туркистон вилоятининг газити", 1872 йил 7 июн

**Хосил КАРИМОВ**

**Урус газитларида мазкур бўлубдурки нўғойлар шаҳрида бир нўғойнинг олти йашар боласини ўлқон экан. Нўғойлар вафот қилгон кишини изтироб билан гусл айлаб мадфун қилмок учун**

**Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР**

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

## МУЛОҲАЗА

### УДУММИ ЁКИ...

Яқинда ишдан қайтиб, энди эшикка калит суққандим ҳамки, рўпарадаги кўшимиз қўлимга чиройли буқланган қоғоз тутқапти. — Уйда йўқ экансиз. Бир киши бизниқига ташлаб кетувди. Нималигини ҳам сўрамабман. Афтундан таклифномага ўхшайди, — деди у жиммадор қоғозга қарай-қарай.

Қўшнига раҳмат айтиб, ичкарига кирар эканман, қўлимдаги қоғознинг ҳақиқатдан ҳам нихоятда чиройлилиги эътиборимни тортди. Устига фақат камининг иси ва фамилияси ёзиб қўйилган эди. Бу, шубҳасиз, таклифнома. Қариндошларнинг қайси бири тўй қилаётибди экан. Ҳаёлимга келган шу фикр таклифномани очишга ундади. Дид билан безак берилган қоғозга битилган, яшил ёниб турган харфларга қараб кўзинг қамашади. Хатто, ўз исмининг ана шундай харфларда битилганини кўриб, вужудимга енгилгина хушнудлик югурди. Кўзларим эса ҳамон "компьютер" аталмиш буюк хатотнинг бор маҳорати ила битилган сатрларни охиригача бормоқда эди. Ниҳоят, сўнгги жумлага келдим, қўшимиз Рамазон ақанинг ўғил уйлаётганлигидан бохабар бўлдим. Кўз олдимга бирдангача ҳар доим елкасига қатта кетмонни олиб, "отам мена ана шу кетмонни ташлаб кетган", — дея жийлаиб қўядиган Рамазон ақа келди. Унинг турмуши ҳам шу кетмон ва ерининг орқасидан. Рамазон ақа... Рамазон ақа... Бирдангача эътиборимни яна таклифноманинг ниҳоятда ҳашамдорлиги тортди.

Ўтган сафар қишлоққа борганимда онанинг "Рамазон ақанг ҳам бу йил баҳорда тўй қиломоқчи. Тўйнинг ташвиши оғир-да, қийналиб кетди бечоралар. Бир сўм топса тўйга деб асрайди", деган сўзлари кўлоқларим тагиде янграгандек бўлди. Қўлимдаги боёғина кўзимни қамаштиратган қоғозга боқиб бу таклифноманинг пули қанча экан, Рамазон ақа бундан нечта харид қилди экан, деган савол бўғзимга тикилди. Эртасига тўйга бориб ҳам у ердаги тўкин-сочинлик юрғимга ботмади. Негадир мехмонларга қўйлаётган ичимликларни кўриб, булар учун қанча тер тўқилди, деган хайлга боваредим. Хатто Рамазон ақанинг келин-куёв устидан пул сочаётганида ҳам кўллари қалтираб қатаётгандек туюлди. Кейинги шанба кўни эса, яна қишлоққа бордим. Уйимизда Рамазон ақа ҳам ўтирган экан. Хол-аҳвол сўрашгач, гапни тўй таассуротларига бордим.

— Қандайсиз энди? Келиннинг чойини ичиб маза қилаётган-дирсиз? Ҳамсухбатимнинг юзига биров сўйиқлик югурди. — Шу десанг, тўйнинг ташвиши билан ҳали келиннинг чойини ҳам ичолганимиз йўқ. Тўй деганининг ўзи бўлмас экан. Биласан, оддий яшайин. Етганини етказиб, етмаганига қарз қилиб тўйни ўтказиш, ҳақиқий ташвиш мана энди бошланди. Қишлоқдаги дўқондан икки юзта ароқ олгандим, қарз бўлиб қолдим. Яна бир синфдошимдан ҳам қарздорман...

Нима учундир қалбимга оғриқ кирди. Туюқун қайфиятда дас-турхоннинг бир четини гижимлаб ўтирган мана шу инсонга қараб "ахир, буни эртарақ ўйласангиз бўлмасиди. Тўйга шунча ичимлик қўйишга мажбур эмасдингиз-ку. Қарз олиб пул сочиш қайси удумга тўғри келади", дея хайқиргим келди.

Албатта, тўй туфайли хонадонимиз шодликка, ўйин-кулгу, бахтга чулганди. Ким ҳам чиройли тўй қилиб, эл олдига ош тортишини, элдан дуо олишини орзу қилмайди. Қолаверса, тўй қадим-қадимдан халқимиз учун муқаддас удум, азалий анъана бўлиб келган. Ўзбек тўйларида ҳар доим иноқлик, иззат-ирком, мехмоннавозлик, бағрикенглик, тўкин-сочинлик каби фазилатлар ҳукм сурган. Аммо бу дегани зўрма-зўраклик билан тўй қилиш, қарзга ботиш, дабдабавозлик, исрофгарчилик дегани эмас-ку! Наҳотки, биз бугун ортиқча ҳашамат ва викорга ўч бўлиб бораёямиз. Ахир, имкон даражасида ҳам чиройли тўй ўтказиш мумкин-ку. Исрофгарчилик, манманлик мусулмончиликка ҳам тўғри келмайди. Пайгамбаримиз ҳадисларида инсон энг аввало, ўз оиласини таъминлаши шартлиги, ҳар қанча хайр-эхсонни биринчи галда ўз фарзандларига бермоғи лозимлиги ўқитилади. Ўзи эмай-ичмай пул йиғиш, қолганга яна қарз кўтариб бир кунда тўкиб-сочиш ҳеч кимга шухрат ва обрў келтирмайди. Ақинча, бу жамият учун ҳам, ўша оила учун ҳам турли хил муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Тўйларда мастлик оқибатида содир бўлаётган бўғимсиз ҳолатлар жамият учун қанчалик муаммо туғдираётган бўлса, дабдабали тўй қилиш учун кетадиган сарф-ҳаражатлар оилалар учун ҳам қатта ташвиш бўлаётганлиги сир эмас.

Жаҳонгир БОЙМУРОВОД

## ҲОЛАТ

### Суд қарори ижрога қаратилди

Халқимизда, қарз тўлови билан гўзал, деган гап бор. Яна, ишлагандан кейин ҳақини бергин-да, оғайни, дейишди чапанисасига. Буни "лафз" деган туюнчага тўпори шаъма ҳам дейиш мумкин. Булар бари — оғзаки муносабат. Ҳаммамиз билмаски, бугунги ҳаётимизда юқоридаги муносабатларнинг расмий ёзма шакли — шартнома. У икки ё бир неча тараф ўртасида тузилади, имзоланади, тасдиқланади. Ва унинг шартлари бажарилиши шарт. Афсуски, баъзан ана шу расмий ахдлашуларга ҳам чап берадиган, айтгани ва ёзганидан тонадиган "томонлар" ҳам чиқиб қолаяпти. Бизнинг уч йиллик судлашувимиз бунга ёрқин мисол.

2002 йилнинг 20 ноябрда буюртмачи "Узгеобурнефтьгаз" акциядорлик компанияси билан пудратчи "Senetek Trading Limited" компанияси ўртасида сервис ишларини бажариш, пармалаш эритмаси бўйича сервис хизматини кўрсатиш, қудуқларни пармалаш, цементлаш, "Кўкдумалоқ" қони қудуқларини пармалаш ва цементлаш ишларини бажариш бўйича шартнома имзоланди. Иш бошланди. Бироқ, буюртмачи шартнома шартларида таъкидланган пармалаш қурilmаларини етказиб беролмади. Пудратчи бу техникаларга эга бўлиш учун икки томон ўртасида тузилган топшириқ шартномасига асосан Хитойнинг "TU-NA" компанияси билан пармалаш қурilmасига ижара шартномаси тузди. Хуллас, шу тариқа ахдлашулардаги ишлар бажарилди. Лекин, тўловга келганда буюртмачи гирром йўлга ўтди.

Ана шундан сўнг судлашулар бошланди. "Senetek Trading Limited" компанияси пармалаш қурilmаси ижараси бўйича 424.126 АҚШ долларини ундириш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳўжалик судига мурожаат қилди. Суднинг 2005 йил 14 декабрдаги ҳал қилув қарори билан давво қаноатлантирилди. Апеляция босқич судининг 2006 йил 10 февралдаги Ажрими билан юқоридаги қарор ўзгартирилди.


Кейин бу қарор Олий ҳўжалик судида бекор қилиниб, иш янги-дан кўришга юборилди. Шундан сўнг қайси босқичда қанча суд бўлганини санаб газетхонни зериктирмай, сўнгисини айтиб қўй қолайлик: Олий ҳўжалик суди кассация босқичининг 2008 йил 14 июлдаги қарори билан 2007 йил 21 августдаги ҳал қилув қарори ва 2007 йил 30 октябрдаги апелляция қарори бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинди. Унга кўра "Узгеобурнефтьгаз" АҚ даввоси тўлик рад этилди. Қарши давво қисман қаноатлантирилиб, "Senetek Trading Limited" (Кинпр) компанияси ва "Альяс-Ком" (Россия) МЧЖ фойдасига "Узгеобурнефтьгаз" АҚдан 424.126 АҚШ доллари ундириш белгиланди. Даввонинг қолган қисми рад этилди.

Наргиб тараф бу қарордан норози бўлиб, протест келтиришини сўраб Олий ҳўжалик судига, республика Бош прокуратурасига қилган ёзма мурожаатларига "Протест келтиришга асос топилмади" деган жавобларни олган, суд қарори қонуний кўнча кирган. Икки ойдан ошди. Бироқ, ҳанузгача суд томонидан ундирилган ҳақимизни тўлашдан дарак йўқ.

Президентимизнинг чет эл инвестицияларини мамлакатимиз иқтисодиётига кенгроқ жалб этиш ва инвесторларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳўмоқ қилиш тўғрисидаги қарорлари, Олий ҳўжалик судининг қарорини, Бош прокуратуранинг суд қарорини қонуний эканини таъкидлаган жавоби бўла туриб "Узгеобурнефтьгаз" АҚ нега бизга икки ойдан бери қонуний ҳақимизни тўламаяпти. Бунга компания мутаассадлари нима дейишаркин? Ахир, бизга ҳам "ҳам хизмат қилиб, ҳам тўхматга қолиш" на даркор?

Ёдгор НАЗАРОВА, "Senetek Trading Limited" ва "Альяс-Ком" компанияларининг ишончли вакили.

## ТЕХНИК НОСОЗЛИК ТУФАЙЛИ



Кеча Перм ўлкасида мотам кўни деб эълон қилинди. Маълумки, бу ерда ўтган ҳафта Boeing 737-500 самолёти ҳалокатга учраган ва 88 нафар йўловчи ҳамда экипаж аъзолари ҳалок бўлганди. Мутахассислар самолёт техник носоэлик туфайли ҳалокатга учраган деб таҳмин қилишмоқда. Бу борада комиссия ҳали ўз ҳулосасини айтгани йўқ. Ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ҳам Пермага етиб келишган. Россия ҳукуматининг қарори га биноан ҳалок бўлганларнинг оилаларига 2 млн. рублдан ёрдам берилди.

## ИФТОРЛИК ҲЕЧ КИМГА ТАТИМАДИ

Ироқнинг Дияла музофотидаги Бала Друз шаҳрида душанба кўни кеч-қурун наватбадги террорчилик амалга оширилди. АҚШнинг Самр Висса қомоқхонасидан қутулиб келган собиқ полициячи ифтор қилаётган эди. Террорчи аёл келиб, шу ерда ўзини портлатиб юборди. Натияжада 22 нафар киши, жумладан уй эгаси ҳам нобуд бўлди. 34 нафар одам турли даражада тан жараҳати олди. Ҳалок бўлганлар орасида бир неча полициячи ҳодимлари ҳам бор.



Бу террорчилик актидан бир неча соат олдин Бағдодда ҳам икки автомобиль портлатиб юборилган. Оқибада эса 12 нафар тинч аҳоли ҳаётдан кўз юмганди.

## СЕССИЯ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ


Кеча БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ташкилотнинг наватбадги 63-сессияси ўз ишини бошлади. Сессияга Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари таклифи га биноан Никарагуанинг собиқ ташқи ишлар вазири Мигель д'Эското Брокман раис этиб сайланди.

Сессияда тинчликни сақлаш, терроризмга қарши кураш, инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби 160 дан кўпроқ масалалар муҳокама этилади. Тадбир дав-

рида, яъни 23 сентябрдан 1 октябргача анъанавий умумсиёсий муҳокамалар бўлиб ўтади. Унда 120 дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этиши кутилаяпти.

## ҚАРШИЛАР ВА ТАРАФДОРЛАР


АҚШда президент сайлови яқинлашгани сайн жамоатчилик фикрини ўрганувчи ташкилотлар томонидан кўплаб сўровномалар ўтказилмоқда. Шундай сўровномалардан бири Европа Иттифоқи ҳудудида бўлиб ўтди. Унда кўрна қитъанинг барча мамлакатларида яшовчи 30 миң киши қатнашди. Иштирокчиларнинг 69 фоизи Обама, 26 фоизи Маккейн АҚШ президенти бўлишини истаётганини билдирган. 69 фоиз қатнашнинг таъкидлашича, Обама Оқ уйга раҳбар бўлса, дунё сиёсатида ибобий ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Маккейн ҳукумат тепасига келса халқаро вазир янада кескинлашади.



Сўровда қатнашганларнинг фикрича, АҚШда ким давлат раҳбари бўлишидан қатъи назар, ўзининг асосий эътиборини экологик ҳалокатлар ва террорнинг олдини олишга қаратиши керак. Таъкидлаш жоизки, кўрна қитъа аҳолисининг кўп қисми АҚШ Грузия ва Украинага ёрдам беришини ёқлайди. Шу билан бирга, улар Россия билан муносабатлар бузилмаслиги га тарafdор.


## РАҚОБАТЧИ БЎЛМОҚЧИ

Италия бош вазири Сильвио Берлускони ва Буюк Британия бош вазири Гардон Браун Римда учрашиб, ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олишти. Гап шундаки, Италияда умуман ядро электр станциялари йўқ. 1987 йили мамлакатда шу масалада умумхалқ референдуми ўтказилган ва овоз бериш натижалари бўйича ядро энергиясидан фойдаланишдан воз кечилганди. Ҳозирда Италия электр энергиясини Франциядан сотиб олишга мажбур бўлаяпти.



Франция ядро энергияси ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 80 фоизи АЭСлар ҳисобига тўғри келади.

## ЯНА ТЎФОН ҲҲУМИ



Сўнгги бир ойда Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатлари ҳудудига уч марта тўфон ҳужум қилди. "Густав" ва "Ханна" тўфонлари ушбу мамлакатларга қандай зарар етказгани ҳақида аввал хабар қилган эдик. Ўтган ҳафта охирида "Аик" тўфони АҚШнинг Техас штати чегараларига етиб келди. Денгиз қирғоқлари га саккиз метр баландликдаги сув келиб урилиб, дамбаларни бузиб кетди. Тўфон ҳавфи туфайли штатдан бир миллион нафар аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Йўлларга машиналар сиймай кетиши оқибатида тизилдиклар пайдо бўлди. "Аик"дан штатнинг Кристи ва Хьюстон шаҳарлари ҳам каттагина зарар кўрди. Хьюстонда комендантлик соати жорий қилинди. Аҳоли кеч-қурун тўққиздан эрталаб олтигача уйдан ташқарига чиқиши мумкин эмас.

ИТАР-ТАСС хабарига айтилишича, полиция томонидан одамлар ташлаб кетган уйларда ўғирлик қилмоқчи бўлган 30 киши қамоққа олинган. Дастлабки маълумотларга қараганда, тўфон туфайли 34 киши қурбон бўлган.

## ПАНДАДА ҲАРБИЙ ҲОЛАТ



Боливиянинг Панда музофотида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Қўчага кечаси чиқиш, уч кишидан ортиқ тўпланиш мумкин эмас. Мамлакат президенти Эве Моралесга қарши кучлар ҳудудда тўполонлар келтириб чиқаришти. Полиция билан тўқнашувда бир неча киши жараҳатланди. Шундан кейин ҳукумат чора кўришга мажбур бўлди.

Боливиялик сиёсатчиларнинг таъкидлашича, можароларнинг келиб чиқишига АҚШ айбдор. Шунинг учун Америка Қўшма Штатларининг мам-

лакатдаги элчисига нон грата эълон қилиниб, чиқариб юборилди. Бунга жавобан АҚШ ҳам Боливия элчисига нон грата эълон қилди.


Венесуэла қўшни Боливиядаги тўполонларни бостириш учун ҳарбий ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди. Аммо Эве Моралес бундай ёрдамга муҳтож эмаслигини маълум қилди.

## SMS ЁЗАЁТГАН ЭДИ

АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳри яқинида йўловчи ва юк поездлари тўқнашиб кетиши оқибатида 23 нафар йўловчи ҳалок бўлди. Бу охириги маълумот эмас. Чунки ҳали релсдан чиқиб кулаб ётган вагонлар тагиде одамлар бўлиши мумкин.

Ҳалокатнинг келиб чиқишини ўрганган комиссиянинг ҳулосасига кўра, унга йўловчи поезд машинисти сабабчи бўлган. 222 йўловчи кетаётган поезд машинисти SMS ёзиш билан банд бўлиб, қизил чироққа тўхтамаган. Оқибада у келиб юк поезди билан тўқнашиб қолган.

## ПАПА ФРАНЦИЯГА КЕЛДИ



Рим папаси Бенедикт XVI расмий сафар билан Францияга келди. У Париждаги Богоматери собори олдида нутқ сўзлади. Бенедикт XVI нутқини тинглаш учун собор атрофи га 40 миң нафардан кўпроқ диндор йилгиди.

Сафарнинг расмий қисмида папа Елисей саройида мамлакат президенти Саркози билан учрашди. Узаро суҳбат чоғида Францияда диннинг бугунги аҳволи, ҳар хил динлар ва конфессиялар ўртасидаги муносабатлар масаласи муҳокама қилинди.

## КЕМА ЧЕГАРАНИ БУЗДИ

Яқшанба кўни Япония денгиз чегарачилари Кюсю ороли яқинида номаълум сувоти кемасини кўришган. Бу ҳақида мамлакат мудофаа вазирлиги вакили маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, на Япония, на Америка қуролли кучларига қарашли бўлмаган субмаринани "Атаго" эсминецгадилар пайқаб қолишган.

Кутилмаган меҳмонини излаб топиш ва Япония сув ҳудудларидан ҳайдаб чиқариш учун бир неча самолёт ва вертолёт жалб этилган. Шундай бўлса, номаълум сувоти кемаси яна икки соатдан кўпроқ Япония сув ҳудуди айлиниб юрган.

## Қора денгиздан Кариб денгизига

(Бошланғич 1-бетда.)

Кайд этиш жоиз, Ту-160 дунёдаги энг катта бомбардимончи самолёт ҳисобланади. Бундай самолётлар фақат АҚШ ва Россиядагина бор. Самолётлар тўхтамасдан 13 соат учишти. Уни йўлда НАТОнинг F-16 самолётлари кузатди. Ту-160 узоқ масофага унадиган 12 қанотли ракета олиб юра олади. Генерал-майор Павел Андросовнинг таъкидлашича, ҳозирда самолётда ядро қуролни йўқ. Бугунги кунда Россия ҳарбий ҳва кучлари 16 та шундай самолётга эга.

Венесуэла президенти Уго Чавес Россия ҳарбий самолётлари келишидан хурсанд эканлигини яшириб ўтирмади. У 30 август кунги қушиқда ҳам "Агар рус флотини Кариб денгизига ёки Атлантика океанига келадиган бўлса, улар Венесуэлага ташриф буюриши мумкин. Бу масалада бизда муаммо бўлмайди. Агар Россиянинг узоққа ўчувчи самолётлари Венесуэлага тўхтаб ўтиш лозим бўлиб қолса, бу масалада ҳам мутлақо муаммо йўқ. Биз уларни табриқлаймиз ва хурсандчилик билан қутиб оламиз", деган эди.

"NY Times" газетасининг ёзишича, кейинги пайтларда Лотин Америкаси мамлакатлари яқинида АҚШ кемалари фаолаштирилди. Шунинг учун ҳам Венесуэла президенти рус кемалари ва самолётлари келишини хурсандчилик билан қутиб олмақда. Мақола муаллифларининг ёзишича, Венесуэла қандай қилиб бўлса-да, расмий Москва билан муносабатларини яқинлашга ҳаракат қилмоқда. Чавеснинг Россиядан катта миқдорда қурол сотиб олмақчи бўлгани ва ўтган ҳафта Жануврий Осетия ҳамда Абхазия масаласида Кремлни ёқлаб чиққани бунга исбот бўлади.

Албатта, рус ҳарбий самолётларининг АҚШ яқинида пайдо бўлиши Оқ уй раҳбарлирига ўнча маълум эмас. Шунинг учун АҚШ президенти Жорж Буш Ту-160 ни совуқ уруш элчиси деб атади. Россия ҳарбий денгиз флотини вакиллари Кариб ҳавзасидаги машқлар Қора денгиздаги воқеаларга расмий Мос-

квининг қарши юриши эмас эканлигини, биргаликда ўқув машқлари ўтказиш муддати Грузия ва Россия ўртасидаги можаролардан анча олдин келишиб қўйилганини айтишмоқда. Россия ташқи ишлар вазирилиги махсус вакили Андрей Нестеренко бу ҳақда баёнот бераркан, биргаликдаги ўқув машқлари ҳеч қандай учинчи мамлакатга қарши қаратилмаганини қайд этди.

Шундай бўлса-да, Ғарб бунга ўнчалик ишонч билан қарамайпти. Маълумки, Грузия билан можаро чиқмасдан олдинроқ Россия бош вазири Владимир Путин Куба ва Венесуэла билан муносабатларини мустаҳкамлаш умидида эканлигини айтган эди. Шу билан бирга, бош вақир бу ҳудудларга ҳарбий базалар қуриш нияти йўқлигини ҳам таъкидлаганди.

Сиёсий шарҳловчи Вячеслав Никонев эса қўшма ўқув машқлар олдиндан режалаштирилган бўлса-да, НАТО кемаларининг Қора денгизга киришига жавоб юришлардан бири эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Россия ўзининг хавфсизлиги ва манфаати га қарши қаратилган ҳеч бир ҳаракатни эътиборсиз қолдирмайди. Ҳозирча Кариб ҳавзасидаги бирон-бир давлат ҳудудида ҳарбий база қуришга эҳтиёж йўқ. Лекин зарур бўлса, келгусида шундай базалар, албатта, барпо бўлиши мумкин.

Россия сиёсий ва иқтисодий коммунификациялар агентлиги бош директори Дмитрий Орлов ҳам Никонев фикрига қўшилган ҳолда, Россия борбардимончи самолётларининг Венесуэла аэродромларига келиши расмий Москванинг мажбурий юриши эканлигини қайд этади. "НАТО флотини Россия чегаралари яқинида турибди, бундай пайтда Кремль ҳам қулиқ қилиб қараб тура олмайди. Россия энди Ғарбнинг ҳар бири юришига қарши юриш қилишга тайёр. Бу дегани, бундан буюн Москва ер юзининг турли нүкталарида ўз таъсирини, зарурат бўлса ҳарбий иштироки билан, ўтказишга тайёр", деди у.

Қора денгиз флотининг собиқ кўмондони Эдуард Балтин рус флотининг Лотин Америкаси мамлакатлари ҳудуди га ташрифини шарҳлар экан, "Интер-



Москва АҚШдаги сайловлар арафасида Вашингтонга ачқик ўқол суқаяпти. Оқ уй маъмурияти ҳеч қачон мињақада рус бомбардимончи самолётлари пайдо бўлишини истамаган ва истамайдиган. Натияжада икки томон ҳам қуролланишга зўр бериши мумкин.

## ФАҚО" МУҲБИРГА ШУНДАЙ ДЕДИ:

— Рус кемаларининг Венесуэлага кириши ва бу мамлакат ҳарбийлари билан биргаликда машқлар ўтказиши Россия ўтган асрнинг охирида йўқотган маъқени тиклаётганидан даракдир. Кучсизларни ҳеч ким яқин кўрмайди. Кучсиз давлатлар билан ҳеч ким алоқа қилишни ҳам истамайди. Чунки бундай мамлакатлар билан алоқа қилиш иқтисодий жиҳатдан ҳам, ҳарбий-сиёсий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Унинг таъкидлашича, собиқ шўролар даврида ҳар йили 70 миң нафар совет ҳарбий матрослари ер юзидеги барча давлатлар портларига ташриф буюрар эди.

"Независимая газета"нинг ёзишича, рус кемаларининг Кариб денгизига пайдо бўлиши АҚШ учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Сабаби, шу йилнинг 1 июлидан бундан 58 йил бурун зарурат бўлмаган учун тарқатиб юборилган 4-Америка флотини қайта тикланди. Флот кемалари мињақада бемалол ҳаракат қилиб юрибди. Улар ўз ҳудудида. Қурол-яроғ ва ёқилги олиб келиш жуза осон. Россия ҳарбийлари Кариб денгизига мустаҳкам ўрнашиб олиши учун, аввало, Венесуэла ва Кубада йирик ҳарбий

базалар ташкил этиши лозим. Бунинг учун эса қатта маблағ зарур бўлади. «Новые известия» газетаси муҳбири жамоатчилик эътиборини масаланинг бошқа бири томонига қаратади. Мухбирнинг ёзишича, Москва АҚШдаги сайловлар арафасида Вашингтонга ачқик ўқол суқаяпти. Оқ уй маъмурияти ҳеч қачон мињақада рус бомбардимончи самолётлари пайдо бўлишини истамаган ва истамайди ҳам. Натияжада икки томон ҳам қуролланишга зўр бериши мумкин. Бунинг жабрини оддий одамлар тортади. Чунки қуролланиш учун қатта маблағ керак бўлади. Оғирлик солиқ тўловчининг ёлкасига келиб тушади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, НАТО кучларининг Қора денгизда пайдо бўлиши ва Россия самолётлари ҳамда ҳарбий кемаларининг Венесуэлага ташрифи дунёда кескинликнинг ошишига олиб келди. «Новые известия» газетаси муҳбири ёзганидек, бу каби ҳаракатлар оғирлиғи фақат тинч аҳолининг бўйнига тушади. Шундай экан, барча муаммоларни тинч йўл ва ақл билан ҳал этиш мумкин бўлган пайтда, кескинликни оширишга ҳоҷат бормикан?

Интернет хабарлари асосида Бек БОБОЕРОВ тайёрлади.

## Иқтидорлилар маскани

### Тошкент маданият коллежини шундай деб аташади

Бу ўқув маскани остонасидаёқ ўзига хос шинамлик ва тозалikka рўпара келасиз. Йўлак бўйлаб ичкарига кирганингиз сайин аллақандай фойз ва сирли шуқуқ борлигини руҳиятигиз пайкайди. Нима экан бу, дея унинг замирига етмоқчи бўласиз, аммо осонгина у ўз сирини ошкор қилавермайди... Кетаётиб, сирнинг нималигини англагандай бўласиз...



Тошкент маданият коллежи 1937 йилнинг биринчи октябрида, "Сийсий оқартувчилар мактаби" номи билан ташкил этилди. Бугун номи бироз галати туюлса-да, ўз даврида ундан қандай мақсад-муддао кўзлангани аён. Йиллар ўтиб, у Кутубхоначилик техникуми билан бирлаштирилади, Тошкент маданият оқартув техникуми, деб юритилади. 1992 йил мартдан эътиборан бу ўқув даргоҳи мазмунан ва шаклан янги ривожланиш палласини бошлади. Мана, тўрт йилдирки, Тошкент маданият коллежи Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Эл сўйган санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Махмуд Тожибоев, композитор Шермаат Ерматов, Ўзбекистон санъат арбоби, композитор Бахрулло Лутфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Равшан Солихов, Махбуба Хасанова, Уктам Аҳмедов, Азим Муллахонов, Гийос Бойтоев, Равшан Комилов, драматург Машраб Бобоев, режиссёр Эргаш Масфаева, суҳандон Абдумўмин Убосаровлар шу ерда таълим олишган.

Давр жамият олдига муҳим ўзгаришларни кўндаланг кўйган кезларда шундай бўлади: ислохотлар муҳиятини англаб етиб, унинг юкни елкасида кўтаришга қодир инсонларни ҳам ёнма-ён униб-ўстиради. Илҳомжон Дехонов ҳам ана шундай авлод вақилларидан. У коллежга раҳбар этиб тайинланганида, бу ерда ечимини кутаётган талай масалалар бор эдики, уларни ҳал этмай туриб, янги даврнинг муносиб ворисини тарбиялашга мушкул эди. У илик муҳит бор жойда ишнинг ривожланишини билиб, аввало жамоа аҳулигига эътибор қаратди. Ўқитувчи — мутахассислар билан мулоқотида уларнинг маънавий дунёсини обдон кузатиб, ўрганди. Чунки маънавий дунёсини кемтик ўқитувчи ёшлар орасида бўлишга ҳақ-ҳуқуқи йўқ, — деб ҳисоблайди директор.

Ўқув юртлири устунларининг кўпчилигини маънавият ташкил этса, бизнинг маданият коллежизмидаги мавжуд устунларнинг ҳаммаси маънавиятга қурилган. Биз улга эътиборли бўлишимиз лозим, — дейди у. — Асосий ўқитувчиларимиз сонин 170 нафардан ошса-да, биз 55 нафар ўриндош ўқитувчилар хизматидан ҳам фойдаланамиз, улар эл таниган, билган санъаткорлар. Бониси соҳанинг танқидли усталаридан таълим олиб, ўрганиш, улар билан ҳаётий мулоқотда бўлишга жонли ибрат воситаси айнан бизнинг ўқувчиларимизга қўл келмоқда. Бу борада бизга Ўзбекистон халқ артистлари, фидойий инсон Коммуна Исмоилова, Улмас Расулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулшод Отабоева, Абдусалом Муталов, Қўбилшон Усмонов, Хадя Юсупова, Санобар Каримова, Гулчехра Иброҳимбекова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Анвар Ёқубжоевлар астойдил ёрдам беришяпти.

Тўрт-беш йил илгари Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида ўқув маскани қайта таъмирланди. Унинг ўқув бинолари жойлашган маскан бугун "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги энг саранжом-сарийшта, обод манзил сифатида кўзга ташланади. Бугун бу ердаги йилгит-қизлар муомаласи, юриш-туриши, ўларини тутишлари орқали теварак-атрофдагилар кўз ўнгиде катта бир маънавият ўчоғининг вақили тарзида намоён бўла оладилар. Қисқа фурсатда бундай даража ва нуфузга эришиш учун анча меҳнат ва тер тўкишга тўғри келинган табиий. Ўқув жараёнини давомийда ёшлар онгига маънавият, маърифат сабақлари мисқоллаб йилгилиб, шаклланиб, мустаҳкамланиб борилган шубҳасиз. Ҳўш, ўқув жараёнининг ўзи қандай кечяпти? Таълим дастурига кўра бу ерда қандай ислохотлар амалга оширилмоқда?

Коллежнинг уч ўқув биносиде учта бўлим: маданият-маърифий ишлар, халқ ижодиёти, ахборот кутубхона тизими, шунингдек 12 кафедра ишлаб турибди, тўққизтасиде тегишли йўналишлар бўйича мутахассис кадрлар тайёрланади. Бўлимларда талабалар "Маданият тад-

ерда эркин ижод қилиш кўникмаларини эгалласин, шу дунёда яшасин, унинг тоза ҳавосидан тўйиб нафас олсин деган қоидага амал қилмоқда.

— Шу факультетнинг учинчи босқич талабасиман, — деб ўзини таништирди Рамиза Усмонова. — Бу ерда ўқитувчиларнинг фидойилиги, ўз касбларига астойдил меҳр қўйишлари менга жуда ёқади. Уларнинг ишончини қозонишга интиламан, келажакда Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида ўқишни давом эттирмоқчиман.

Яна бир талаба ўзини Дилшод Юнусов деб таништирди: "Мен бадий безаш бўлими учинчи босқич талабасиман. Охириги йилларда юртимизда безатувчи расом мутахассислигига талаб ортиб бораёпти. Қизиққан соҳам бўйича айна пайтда бу ерда жуда кўп билимларни ўрганаёлман... Шу коллежда таълим олаётганимдан хурсандман".

Мутахассислик йўналишлари бўйича "Синф концертлари", "Устоз сабоқлари" "Дастлабки қадам" сингари саҳна тадбирларининг мунтазам ўтказилиши, умумтаълим фанларини ўқитишда замонавий технологияларнинг йўлга қўйилиши таълим сифатини ошириб, ёшлар билим ва савияларининг мустаҳкамлишига хизмат қилмоқда. Жумладан, ахборот-кутубхона тизими бўлимининг компьютер маркази, кутубхонашўнослик, библиография, ҳужжатлар фонди ва электрон каталоги, ахборот кутубхона технологияси ва бошқа фанлар учун махсус жиёзланган аудиториялар ишлаб турибди.

Охириги йилларда коллеж битирувчиларининг малакаси янада ошди. Улар халқроҳамда республика миқёсидаги байрам тадбирларида, танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни кўлга киритаётгани, маданият ва санъат олий ўқув юртлирига имтиёзли ўқишга қабул қилинаётганлиги диққатга моликдир.

— Олдимикида қилинадиган ишлар, муаммолар ҳали анчагина, — дейди Илҳомжон



ёзиш борми, унинг режиссураси, ижро услублари дейсизми — ҳамма-ҳаммаси ўз касбининг усталари томонидан ёшларга ўргатилади. Кафедрамиз яқинда танқидли шоир ва драматург Эркин Воҳидовнинг "Иккинчи тумор" асарини коллежизми сажасида қўйди. Уни томоша қилишга мутахассислар билан бирга муаллифни ҳам таклиф этдик. Спектакль меҳмонларга жуда манзур бўлди. Муаллиф бош ролларни ўйнаган ўқувчиларимизга совгалар топширди.

Бу кафедра ўқитувчиларининг илк саҳна асари эмас. Илгари Фридрих Шиллернинг "Қароқчилар", Саид Ахмадининг "Келинлар кўзғолони", "Уфқ", Чингиз Айтматовнинг "Биринчи муаллим", Абдулла Ориповнинг "Ҳаким ва ажал", Гафур Ғуломнинг "Шум бола" сингари асарларига ҳам қўл уришган. Бу ерда талабаларга маҳорат ва ижро услублари нуқтаи назардан юқори талаблар қўйилган ё кўйилмагани муҳим эмас, албатта. Муҳими, ёшлар ўқув жараёнида катта ижод оламига кирсин ва у

Дехонов. — Кинооператорлик йўналиши бўйича мавжуд техникалар бирмунча эскирган, видеоаппаратлар, монтаж ускуналарини янгилаш учун маблаг лозим. Миллий чолғу созларимиз ҳам кўнгилдагидек эмас. Оммавий тадбирлар, театр спектакллари учун либослар, саҳна безаклари, грим, реқвизит ва буталарлар масаласида ҳам етишмовчиликлар сезилди. Ҳозир бу муаммоларни ҳал этиш йўларини қидираймиз.

Ҳозирги ёшларга жуда ҳавасим келади. Онам баъзида эслайдилар: илгари аёллар ўқувчи болаларига сиёҳдон тутишлари учун махсус халтачарга тикиб беришарди. Болалар сиёҳдон рангини кийимлари ва қўлирига тўкиб, мактабдан бир ахволда қайтишарди. Ҳозир эса болалар компьютер билан мулоқот қиладилар. Улар билимдон, шунингдек биздан кўра бахтли ҳам. Ахир, шундай бўлиши керак-да!

Мамлакат НОРМУРОВОДА, "Ҳуррият" муҳбири.

Ҳақиқий санъаткорда истеъдод ва инсонийлик шу қадар уйғунлашиб кетадики, бундай кишилар ҳақида ёзиш учун дафъатан сўз топиб бўлмайди.

Утган асрнинг 60-йиллари... Ўзбекистон телевидениесида техника воситалар ҳозиргидек тараққий этмаган ҳол паллада машаққатли меҳнат, бор маҳорати ила "Назм ва наво", "Ғазал кечаси" номли адабий-музыкаий кўрсатувлари билан кўнгулларга қанот боллаган таниқли суҳандон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Қамбаровани халқимиз алоҳида эҳтиром билан эъзозлайди. Сабаби, у яратган нотикалик санъати, маҳорати, бадий нафосати телетомошабинлар қалбида ўчмас из қолдирган.



УЧРАШУВ

## Насиба Қамбаровани: "Касб танлашда адашмаганман"

— Умримнинг қарийб қирқ йили телевидениеда ўтди. Ҳар доим эл-юрт ҳурмат-эътибориде бўлдим. Меҳнатимга муносиб унвону мукофотлар билан тақдирландим. Ҳанузгача муҳлислар ардоғидаман. Тележурналист учун мана шунинг ўзи бахт, — дейди биз билан суҳбатда Насиба Қамбарова.

— Сиз олиб борган Алишер Навоий, Машраб, Фузулий ижодида бағишланган "Назм ва наво" номли адабий-бадий кўрсатувни халқимиз ҳанузгача эслайди, соғинади. Насиба опа, айна пайтда нима юмушлар билан бандсиз?

— Ҳозир Фузулийни ўқияман. Хонадонимдан шоғирдларнинг оғи зулимдайди. Баъзан вилоятлардан суҳандонликка ҳавасман йилгит-қизлар келишади. Уларга умрим мубайнида улғу устозлардан олган сабоқларни, суҳандонликнинг сиринотиини имкон борича ўргатаман. Энг асосийси, шоғирдлар, неваралар ардоғида, яқинларим қуршовида кун қандай ўтаётганини сезмай қоламан.

— Умуман, суҳандонлик — бу санъат. Эл-юрт ҳурмат-эътиборида бўлиш учун ҳусн ва истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун меҳнат, қаноат ва албатта, маҳорат керак. Сизда мана шу муҳим улик қай тарзда инкишоф топган?

— Суҳандон бўлиб иш бошлаган пайтда университетнинг иккинчи курс талабаси эдим. Ушда даврда дикторларга қўйилмаган қатъий талаб — ё журналист, ё филолог ёки санъат институтида ўқиган бўлиши муҳим эди. Мен ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетида ўқирдим. Олийгоҳда бизга театр ва расомчилик институтидан мутахассислар келиб тележурналистиканинг эстетикаси, талаффузи, қиёфаси, тасвирга тушиш жараёнини кунг ва эътибор билан ўргатишарди. Ўзим ҳам илк бор таниқли суҳандон Уктам Жобиров билан бир ой тайёрланиб, кейин эфирга чиққанман. Биз ишлаган пайтда видео ёзувлар деган гаплар йўқ, фақат жонли эфир. Таниқли журналист Насиба Иброҳимова билан кун ора кўрсатувлар олиб борардик. Навбатчилигимизда мусиқий дастурми, қишлоқ ҳўжалиги ҳақидаги кўрсатувми ҳаммаси ўша навбатчи диктор зиммасига тушарди. Агар бирор кўрсатувда бирорта сўз нотўғри кетиб қолса борми, туни билан мижжа қоқмай эртасини йўлардик. Шундан бўлса керак, томошабинлар нигоҳини ханузгача ҳис қилиб тураман. Байраму сайламаи, тўю хашамдами ён-атрофдагиларга яхши таассурот қолдиришга ўрганиб қолганман.

Бугун ёшлар хоҳлаган кўрсатувни истаганидек олиб бориши учун барча қулайликлар мавжуд. Кўрсатувлар аввалдан ёзиб олинади. Кўнгил тўлмаган жойлари "қирқиб" ташланади. — Ҳақиқатан ҳам суҳандоннинг телетасвирда чиройли қиёфаси намоён бўлиши ҳар доим томошабиннинг диққат марказида туради. Айниқса, экран орқали айтаётган сўзи, ўзини тутиши, кийиниши миллий маданиятнинг шакллантиришда асосий ўрин эгаллайди. Сиз унинг залворли юкнини ҳар доим ҳис этганимиз?

— Аввало, инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак. Юзи, кийими, фикри, қалби ҳам. Бизни давримизда имиджмейкер, стилист деган гаплар йўқ эди. Фақат йилда иккита либос тикириб беришарди. У ҳам бўлса ўзимиз олиб келган матодан.

Мен нафақат ташқи қиёфамга эътибор берганман, балки доим ички маданиятни, теран тафаккурли бўлишга интиланман. Ахир, тележурналистни миллионлаб томошабинлар кўрганган кейин, унга тақдир қилгандан сўнг ҳаммаси росоладагидек бўлиши керак-да! Чунки, томошабинлар бизни ҳар кун кўрганлари боис оила аъзоларидек бўлиб қоламан. Эҳранда бекаму кўз кўриниши ишмининг муваффақиятли гарови ҳисобланарди.

Менимча, ҳозир дикторларга яна эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Чунки, суҳандонликнинг масъулияти бошқача... — Бирок ҳозирги айрим телебошловчилар ўзи хоҳлаганидек эфир олиб боришяпти. Очиги, томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётган баъзи кўрсатувларнинг матнидаги галиликлар, суҳандоннинг талаффузидаги шевага ҳос ўринсиз сўзлар қандай одамнинг гашига тегади. Сизнинг бундай ҳолларга муносабатингиз қандай?

— Биз ишлаган пайтда ҳам ўзи олиб чиқадиған кўрсатувнинг матнини ўзи ёзсин, деган талаб бор эди. Бугунга келиб бу жараён амалга ошди. Бу бир томондан яхши. Кўрсатув муаллифи ҳар томонлама етук бўлса, ёзганлари томошабиннинг юрагига этиб боради. Иккинчи томондан эса ҳали тахрирсиз ёзиш суҳандон устозларнинг назарисиз хоҳлагандек матн тўзиб экиранда ўқиши бу мантисизликка олаиб келади. Ахир, кўрсатувнинг жилов бошловчининг қўлида. Мен суҳандон бўлиб эфирга илк бор чиқишим учун не-не устозларнинг назаридан, синовидан ўтганман, дейсиз. Агар бирор муомтоз шоирнинг галалини ўқимоқчи бўлсам, аввал радиога бориб синиб кўрадим. Сўнг устозларим Қодир Махмутов, Тўйғунбой Юнусўжаева сингари сўз усталаридан сабоқ олиб, кейин эфирга чиқардим.

Назаримда, "ойнаи ҳаёт" орқали савияси саёз кўрсатув эфирга узатилмаслиги учун ижодий "чиғирик"лар керак. Узоқ йиллар телевидениеда ишлаганим боис, ҳар доим телесуҳандон намоёиш этилаётган кўрсатувларни кузатиб бораман. Баъзан яхши кўрсатувлар ёки иқтидорли телебошловчилар "ярқ" этиб кўриниб қолса қувониб кетаман. Эфирга узатилаётган барча кўрсатувлар ҳам бир хил эмас. Масалан, "Оҳанрабо" кўрсатуви бошқа кўрсатувларга нисбатан мароқли ва мазмунли. Айтмоқчиманки, вақт ўтказадиган сериаллар, томошабиннинг гашига тегадиган кўрсатувлар эмас, мазмунан бой, миллий кадриятларимиз уйғунлашган, энг асосийси халқнинг дилидаги галини олиб чиқадиған кўрсатувлар ташкил этилса, фойшадан холи бўлмасди. Бунинг учун саводли ёш тележурналистларни тарбиялаш зарур.

— Сиз истеъдодни қандай тушунасиз? — Ҳар қандай истеъдод меҳнат туфайли юзага чиқади. Кейин ташқи қиёфаси гўзал бўлгани билан ҳар қандай одам ҳам телебошловчи бўлавермайди. Бизнинг ёшлигимизда телевидениега чиқиш этиб бўлмас орзу эди. Суҳандонликка танлов жуда кескин кечарди. 500-600 нафар талабалар орасидан бармоқ билан санокли номзодлар чертиб-чертиб танлаб олинарди. Қайсидир тасодиф йўлар билан телевидениега келиб қолганлар кўп ўтмай, ўша тасодифлар билан чиқиб кетарди. Суҳандонлик касбининг актёрлик даражасига олиб чиққан

улғу устозларимиз жуда кўп. Уша масъулиятни бугун ҳам унутмаслик керак.

— Танқидли суҳандонларнинг кўпчилиги тўйда давра олиб бориши кишига эриш туюлади. Лекин кўпчилик сизни "Насиба Қамбарова ўзини таниган, кадр-қимматини биладиған, маърифатли, оқила аёл" дейишади. Демак, суҳандонларнинг тўйга чиқиш-чиқмаслиги моддият билан эмас, тафаккур билан боғлиқ экан-да...

— Ишончсизда суҳандонликдан бошқа касб билан шуғулланишга рўхсат берилмасди. Халгача даврани олиб бор, дейишса менга эриш туюлади. Рад жавобини бераман. Устига-устак бунга укувим ҳам йўқ. Сабаби, мен фақат экран карши-сиде томошабин билан ишлашга ўрганиганман. Бу ҳолат тележурналистнинг обрў-эътиборини саклайди, деб ўйлайман. Уша масъулият меннинг одатимга, дунёқарашимга айлиб қолган. Шуларни ўйлаб ҳам касб танлашда адашмаган эканман. Фақат яна бир қизиқимизга умр бўйи содик қолдим. У ҳам бўлса — бадий китоб мутолааси.

— "Улғубек юлдузи" номли тарихий фильмда сиз Мирзо Улғубекнинг аёли Феруза ролини маромига етказиб ижро этгансиз. Бунга ҳам бадий китобларга бўлган қизиқишингиз туфайли рози бўлгансиз?

— 1964 йили. Латиф Файзиев "Улғубек хазиначиси" номли тарихий фильмин олаётганда кино ходимлари мени телевидениеда кўриб қолган экан. Сўнг образини яратилиши менга таклиф этишди. Ишимдан зўрга рўхсат сўрадим. Ҳатто расом Чингиз Аҳмаров ҳам фильм эскизларини қорозга туширганида Феруза образини айнан менин қиёфамга ўхшатиб чиқган эди. Кинода Латиф Файзиев, Шуккур Бурҳонзо каби буюк истеъдод соҳиблари билан ишлаб, тарихий фильмда роль ижро этганимдан жуда бахтиёрман. Аммо кинонинг иши қийин экан. Сураатда олиш ишлари турли вилоятларда амалга оширилганди. Фильм сценарийи бўйича мен Шуккур ака билан тушадиган бир кўриниш — соҳбона саҳнаси бор. Ундан сураатга тушишдан уялиб, ўша кун сёмкага келмаганман. Режиссёрнинг роса жаҳли чиққан. Кейин ҳам шу саҳна фильмда олинмай қолди. Холбуки, актрисаликни давом эттиришим учун кейинчилик ҳам бир неча бор имконият туғилди. Лекин иложи бўлмади. Оилали эдим, фарзандим бор эди.

— Сизга нақадар оғир бўлса ҳам кўзингизнинг оку қораси бўлган Аброржон ўғлингиздан эрта айрилганингиз муқимларингиз қалбини ҳам ларзага солганди. Нима бўлганда ҳам инсон тақдирингиз бундай аччиқ синовларига чидаси керак... Насиба опа, қалбингиз тубидаги қувончу армонларга шериқ бўласиз, дегандим...

— Халгача ўйлайман, ақлим бовар қилмайди. Нахотки, шу воқеа меннинг ҳаётимда содик бўлди. Фарзанд доғи ҳеч кимнинг бошига тушмасди. Ҳаётимда қувончли кунлардан кўра гамли кунлар кўп бўлди. Лекин Худо инсонга мусибатларни энгиб ўтши учун ақл-фаросат, идрок берган. Тақдиримдан нолимайман. Ёлғизимдан қолган икки қора кўзларим бор. Улар ҳали ёш. Ҳаётимни шуларга бағишлайман. Энди ҳаётимнинг мазмуни набираларим. Уларнинг камолини кўрсам дейман.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

Advertisement for Iproteka Bank. It features logos for Western Union, Blizko, UniStream, and Contact. The main text reads "Имқоният яратамиз" (We create opportunities) and "Халқаро пул ўтказмалари" (International money transfers). The website address www.iprotekabank.uz is provided at the bottom.



ТАДҚИҚОТ

## Навоий тарбиясига олган ўғил

**А**лишер Навоийнинг "Хатлар мажмуаси" асаридан бир мактуб аввалида келтирилган рубоий «Эй нафс хавосига гирифтор ўлгон» деган мисра билан бошланади. Бу мактуб қайноқ оталик меҳри билан фарзанд билиб тарбияланган ўғилга йўлланган.

Навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асарига таяниб, шоир ўз акаси Баҳулбекнинг набираси Мир Иброҳимни фарзандликка олган эди, дея эътироф этган бўлса, мен "Мажолис ун-нафоис" асаридан келиб чиқиб, шоир фарзандликка олган Ҳожи Муҳаммад-дир, деб ёзган эдим.

"Мажолис ун-нафоис"да: "Мир Иброҳим Султон Ҳусайннинг ўғли ва фақир яъни Навоийнинг оғасининг набирасидур. Фақир ани ўғлимдек асрабмен..." дея келтирилган.

Яна шу асарда: "Мавлоно Ҳожи Муҳаммад — Машҳадданур. Кўпроқ вақт бу фақир била мусоҳибдур ва фарзанд ўрнигадур, балки андин азизроқ..." дея келтирилади. Навоийнинг "Муншаот" асарига оид номзодлик диссертациясини ёзган Қодиржон Эргашев мактуб мазмунини чуқур ўрганиб, юқоридаги номлари келтирилган муаллифлар аҳамият бермаган бир парчага алоҳида эътиборини қаратади. Шу парчани келтириб ўтсам: "... Фисоғур (Пифагор — эра-мизгача VI асрда яшаган қадимги юнон мутафаккири, мусиқа назариясига оид ишлари бор) ҳақим замонидаким, адвор илми, яъни мусиқа назарияси, шарқ мусиқасининг эски нота усулининг яратувчиси, тузувчиси, Арасту (Аристотель — эра-мизгача 384-322 йиллар, қадимги юнон файласуфи, машхур ҳақим) замонидаким, муаллими аввал дебтурлар ва Абу Наср Фаробий (873-950 й.й. улуг олим, файласуф, "Арасту соний", "Муаллими соний" лақаблари га сазовор бўлган, "Мусиқа ҳақида сўз" деган асар ҳам ёзган) чоғиндинким, муаллими соний

дебтурлар, Ҳожа Абдуқодир Мароғий адвор илми ва мусиқада Шохрух Мирзо ўғли Бойсунгур саройида хизматда бўлган санъаткор) асригача маълум эмаским, бу фанда ҳеч подшоҳ замонидан бу фан аҳлидин ҳеч кимга мунча тарбият ва нашъу намо воқеъ бўлди".

А.Ҳайитметов мақола-ларида бу ҳақда тўхталиб ўтмаганлар, лекин мен ҳам келтирилган парчага эътибор бермаган эканман. Олий таълим даргоҳи муаллими учун бу ҳол кечиримли эмаслигини эътироф этаман. Қодиржон Эргашев Навоийнинг асранди фарзандини мусиқачилар, санъат аҳли орасидан ахтаришга интилади ва топди. Унинг исми Шохқули, касб-хунари гижжакчи экан. У ҳақда олим Хондамирнинг "Хулоса ул-ахбор" асаридан Навоийнинг лутфу марҳаматидан баҳраманд бўлган. Унинг ҳимояси остида тинч ҳаёт кечириб турган аҳли ориф ва хунаро олимлар, шоирлар, машоих ва орифлар, хушхат котиблар, созадлар ичидан Шохқули гижжакчига эътиборини қаратади ва унга бағишланган кўйидаги парчани келтиради:

"Устод Шохқули гижжакчи эди. Шу кунларда соҳибқирон Султон Ҳусайн хизматида мартабаси баланд бўлди. Ёшлигидан олий ҳазрат Амир Алишер хизматида эди ва ул соҳиб фаросатининг ишорати билан ул ва бошқа мусиқа чолгуларини машқ қилди. Қисқа вақт ичидан буларни тўлиқ эгаллаб олди. Чунончи, бир куй тасниф эттиким, пешрави пурқордир. Унинг созаданик ва хонандалик шухрати оламнинг тева-рат-атрофиға ёйилди. Хунарларвар Амир яъни Алишер ўзининг мақбул одати талабига кўра, унинг тарбиясига шу қадар киришдики, бундан ортигини тасаввур этиб бўлмайди. Балки бедағдага ва шубҳасиз айтиш мумкинки, оламнинг яратилишидан то шу вақтгача бирон соҳиб давлат созадани бу қадар баланд мартабага кўтарган эмас. Бинобарин, Шохқули ўз маҳоратига берилиб кетиб, машқ қилмай кўйди ва



номуносиб ишлар билан машғул бўлди. Шу жиҳатдан унинг офтоб шарофатли хотини ундан ранжиб, у бирмунча таназулга юз тутди. Лекин шу кунларда яна ул ҳазратнинг кимийасарлик эътиборини қозонди. Уд, қўбуз ва гижжакни гоёят усталик билан чалмоқда".

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шохқулининг Ироқдан эканини ёзади. Навоий мактубидан маълумки, у анчайин қийинчиликлар, саргардонликларга дуч келган. Хотира ва қалбидан булар сақланган, унутилмаган вақтларда уни фарзанд қилиб олиб тарбиялаган. Яна шуниси диққатга сазоворки, Навоий вужуди, руҳиятида мусиқага беҳад мафтунлик бўлган. Хондамир ёзади: "Олий ҳазрат Амир Алишер мусиқа илмида ҳам шу қадар маҳорат ҳосил қилган эдиларки, агар муаллими соний Абу Наср Фаробий ҳаёт бўлганларидан шогирдлик сирғасини қулоғига тақиб оларди. Қонун ва уdda (мусиқий чолғулар номи) зўр таълим олган. Бинобарин, созадан аҳлининг кўпчилиги ҳамиша олий ҳазратнинг мулозаматида бўлардилар".

Мактубдаги тарбияланган ўғлига танбеҳ берар, ундан нечоғли ранжиётгани мусиқа соҳасида қай даражага етказганлигини қадрламаганидан кўйинаётганини маълум

қилувчи парчанинг эътиборга олинмагани ўқувчида таассуф уйғотади.

Лекин илмий излашлар чексиз йўл, камчиликлар тузатилиб бориши, янги-янги саҳифалар очилиши муқаррар. Навоийнинг "Ноқобил фарзанд ким?" эканлигини аниқлаган олим Қ.Эргашев ўз мақола-сида бу муҳим масалага оидлики киритгани таҳсинга сазовор. Навоий мактубида келтирилган асраб олган ўғлини кўйидаги имкониятлардан маҳрум этади:

1. Фарзандлик лақабидан;
2. "Мажолис ун-нафоис"дан (демак, Шохқули шеърлар ҳам ёзган);
3. Инсоният ва мусулмонлик ва ҳақиятдан (яъни, ор-номусни сақлаш, уни муҳофаза қилиш) чиқарилдинг, дейилгани эса гоёят оғир жазолардир. Навоий шундай сўзлар билан фикрини тугатади: "... айтса бўлурким, қабани йиқибсан, балки ҳаёт ва тириклик биносин вайрон қилибсан".

Мактубдаги бундай кўюнининг тарбиявий аҳамияти каттадир. Ниҳоят Хондамир таъкидлаганидек, Шохқули яна меҳри қайноқ ота измига қайтади ва унинг эътиборини қозонадики, бунда ҳам олам маъно бор.

**Суйиша ҒАНИЕВА,**  
Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори.

## FitchRatings

KNOW YOUR RISK

нуфузли халқаро рейтинг компанияси



Акциядорлик Тижорат

### «ПАХТА БАНК» НИ

2008 йилда ҳам барқарор фаолият кўрсатаётганлигини тасдиқлаб,

## "БАРҚАРОР"

тоифадаги тўлиқ рейтингга муносиб деб топди.



Бизнесингиз ривож сари барқарор ҳамкорни танланг!

Пахта Банк — фаровонлигингиз калитидир!

СПОРТ

### ГУРУХДА ИККИТА РАҚИБ

Хабарингиз бор, шу йилнинг 3 июль куни Қатар пойтахти Доха шаҳрида 2011-йилги Осиё кубогининг саралаш босқичи учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтган. Қуръа натижасига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси "С" гуруҳида БАА, Малайзия ва Ҳиндистон терма жамоалари билан ўрин эгаллаганди. Аммо 2008 йил 1-13 август кунлари Ҳиндистонда бўлиб ўтган ОФК қақирув кубоги мусобақасида 1-ўринни кўлга киритган Ҳиндистонлик футболчилар тўғридан-тўғри Осиё кубоги — 2011 финал босқичида тўп сурши имкониятини кўлга киритишди. Шу сабабли Ҳиндистон футбол федерацияси Осиё кубоги — 2011 саралаш босқичида иштирок этмаслигини сўраб ОФКга муурожаат қилди. Талаб қондирилиб, улар саралаш ўйинларидан озод этилди. Эндиликда миллий терма жамоамиз ўрин олган "С" гуруҳида фақат иккита жамоа қолди, холос.

Буён Осиё чемпионлар лигаси 1/4 финал биринчи учрашуви "Саїпа" (Эрон) Ва "Бунёдкор" (Ўзбекистон) футбол жамоалари ўртасида бўлиб ўтади. Ўйин Тошкент Вақти билан 21:45 га бошланади.

### БЕШИНЧИ БОР US OPEN ЧЕМПИОНИ

Швейцариялик теннисчи Роже Федерер кетма-кет бешинчи бор US Open турнирида голибликни кўлга киритди. Финал баҳсида у британиялик Энди Маррейга қарши қорғат тушиб, 6:2, 7:5, 6:2 ҳисобида рақибини мағлубиятга учратди. Маъзур муваффақият теннисчининг катта шлем туркумига кирувчи турнирларда кўлга киритган 13-ғалабаси бўлса, Энди Маррейнинг бундай мусобақаларда биринчи марта финалга чиқишидир. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозим, Федерер илк бора кетма-кет 5 марта Уимбилдон ва US Open турнирларида голиб бўлиб, биринчи ўринни кўлга киритган теннисчи сифатида тарих саҳифаларидан ном қолдирди. Агарда у яна шундай нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этиб, голибликни кўлга киритадиган бўлса, бу борада рекордчи ҳисобланган Пит Сампрасга етиб олади.




### РОНАЛДУ ЯНА МАЙДОНДА

Португалиялик ярим ҳимоячи Криштиану Роналду Европа чемпионлари лигасининг гуруҳ учрашуви "Виллареал" ва "Манчестер Юнайтед" клублари ўртасида кечадиган ўйинда майдонга тушиши мумкин. Хабарингиз бор, футболчи шу йил ёзда бўлиб ўтган Европа чемпионатида жароҳат олган эди. "Ҳозир Роналду асосий тарихда машғулотлар олиб бормоқда. Қим билмади? Мен уни эртагаёқ асосий тарихида майдонга туширишим мумкин. Негаки, у ўзини жуда яхши ҳис қилапти", дейди "Манчестер Юнайтед" клубининг мураббийи сэр Алекс Фергюсон интервьюсида.

Шу ўринда "Виллареал"га қарши кечадиган ўйинда "Манчестер Юнайтед" жамоасидан дисквалификация қилинган Пол Скоулз ва шанба кунги оёғидан жароҳат олган Майкл Кэрриклар майдонга тушишмайди.

### ҲОЗИРЧА ЙИЛНИНГ СЎНИГИ ЖАНГИ



Жорий йилнинг 30 декабрь куни WBA йўналишининг ўта оғир вазндаги муваққат чемпиони Николай Валуев ўттиз саккиз ёшли австралиялик Кали Мянга қарши рингга чиқади, деб хабар тарқатмоқда www.sovsport.ru сайти. Россиялик боксчининг менежери Борис Димитровнинг сўзларига қараганда, Германияда бўлиб ўтадиган маъзур жангни ўтказишга деярли ҳамма нарса тайёр.

**Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.**

### ЭШИТГАНМИСИС?

Тутриси, ҳар бир нарсанинг ибтидоиси ва интиҳоси бўлганидек, одамнинг ҳам дунёга келиши, камолотга етиши ва интиҳо масканидан жой олиши бор. Умри боқий бўлиб, кексалик ешитиши сураётган бағзи кишилар ўзларини тетик, шахдам тутишига ҳаракат қилмай тушқунликка берилиб кетади. Ваҳоланки, ёши табаррук инсонлар жамиятда ўзларининг яратувчанлик қобилиятини сақлаб қолгани мумкин. Бунга турфа воқеаларга бой бу оламда мисоллар оз эмас.

### ИККИ ЮЗ АЗАМАТНИ ЕТАКЛАГАН ҚАРИЯ

Серҳаракат, тиниб-тинчимайдиган кекса кишиларни кўриб ҳавас қиласиз. 1965 йилда Чокка Залихановнинг 110 йиллик юбилейини шарафлаш Кабардин-Балқариянинг спорт жамоатчилиги томонидан катта шодиёналик билан ўтган. Ўз даврида Чокка Залиханов юзлаб марта Кавказ тоғининг чўққиларини забт этган. У икки юз бор энг юқори Эльбрус чўққисига кўтарилган. Чокка ота юксак тоғ қоясидаги мухташам "Ун бирлар маскани" меҳмонхонасининг қурилишида фаол қатнашган. Бу қария 108 ёшида икки юзта сафдоши билан Эльбрустинг шарқий қоясига кўтарилганига нима дейсиз...

### СОҚОЛЛИ АЕЛ

АҚШнинг Кентукки штати Бркен шаҳарчасида Женис Девери ўзининг кўркам соқоли билан барчанинг эътиборини тортган эди. 1884 йилда бу аёлнинг соқоли 36 сантиметр бўлган.

Мамнон НАБИЕВ тайёрлади.



— Миллий санъатимизни ривожлантириш учун нималар қилиш керак, деб ҳисоблайсиз?

Шавкат МУЗАФФАР чеган суради.

Газетанинг навбатдаги сони 2008 йил 1 октябрь куни чиқади.

## HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАКУЛ

Таҳрир хайъати: Хуршид ДУСТМУХАММАД, Азамат ЗИЕ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Хосия КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-23-13, 233-67-51, 236-53-31, 236-56-38, 236-75-15  
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

### ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57  
Самарқандда — 8-366-233-62-12  
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22  
Тошкентда — 8-370-76-21-934

Фарғонада — 8-373-225-80-58  
Хоразмда — 8-362-226-20-80  
Қашқадарёда — 8-375-221-78-50

"Шарқ" нашриёт-матбуат акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 22.10

® — тижорат белгиси.

Адади: 5117 Буюртма — Ғ-854 1 2 3 4 6 7 8